

ЎЗБЕКИСТОН БУНУОДКОРИ



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан хафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Шу куннинг гаплари

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги "Воҳиджон универсал ҳамкор" МЧЖ томонидан **5,9 млрд** сўмлик иссиқхона фойдаланишга топширилди.

Оҳангарон шаҳрида "Ипотека-банк" АТИБ ташаббуси билан "Замонавий маҳалла гузари" лойиҳаси асосида **14 та** МФЙда янги биноларни қуришга киришилди.

Давлат дастури доирасида 2021 йилнинг якунигача юртимизда **10 та** электр станцияси ишга тушади ва энергетика тизимининг умумий қуввати **16 минг** мегаваттга яқинлашади.

Фурқат туманидаги "Кўк дўппи" ва "Ҳайит" МФЙларида замонавий лойиҳа бўйича **янги бинолар** фойдаланишга топширилди.

Фарғона шаҳридаги кичик саноат зонасида жойлашган "Gold Quality Invest" хусусий корхонаси **15 млрд** сўмлик лойиҳани ишга тушириб, болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқармоқда.

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси **3335** нафар хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларини учун **70,922 млрд** сўм маблағ ажратди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 17 июнь куни Андижон вилоятига келди.

Избоскан туманининг Қўғай маҳалласи – энг чекка ҳудудлардан бири. Иқтисодий имкониятлар натижасида қишлоқларга ҳам саноат кириб бормоқда. Бу аҳолини иш билан таъминлашда жуда муҳим. Яқинда ушбу маҳаллада "Соҳиб омад баракаси" кластери томонидан "And gold" тикв-трикотаж корхонаси ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари мазкур фабрика фаолияти билан танишди. Қиймати 2 миллион 500 минг доллар бўлган лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Корхона йилига 3 миллион 500 минг донга тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларни 100 фоиз экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бу борадаги йиллик имконият 5 миллион доллардан зиёд. Калава ип етказиб бериш бўйича Хитой ва Россия билан шартнома тузилган. Корхонада ҳозирча 830 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди. – Сизларга ўзимнинг ҳурматини, муҳаббатимни билдираман. Ўзларингиз яшайдиган

қишлоқда ишли бўлганларингиздан хурсандман. Қачон Избосканда мана шундай замонавий корхона бўлган? Бу ишларни яна давом эттирамиз. Хотин-қизларимиз учун ҳамма шартларни яратамиз. Аёл ишли бўлиб, кайфияти яхши бўлса, оиласи ҳам бахтли бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев. Мазкур корхона тўрт ойда қуриб битказилган. Фабрика тўла қувватга чиққанда, чекка ҳудуддаги 1 минг 200 нафар киши доимий иш билан таъминланади. Ўз қишлоғида иш билан таъминланган хотин-қизларнинг дил изҳорини корхона ишчиси Нозима Ҳақимова Президентимизга етказди: – Мен шу юртининг бахтли аёлиман. Оилам тинч, фарзандларим соғ-саломат. Қишлоқда ҳамма шароитга эга корхонага ишга жойлашдим. Чекка қишлоқлар аҳолисини даромад билан таъминлаш бўйича ислохотларни амалга оширяпсиз. Бундан одамлар хурсанд, – деди у. "Соҳиб омад баракаси" кластери 8 минг гектар ерда пахтачилик билан шуғулланади. Кластernинг калава ип ва мато тўқиш корхоналари

бор. Келгусида Андижон туманида яна битта тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрика, Шаҳрихон туманида бўяш цехини ишга тушириш режалаштирилган. Шу ерда Андижон вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тақдимот қилинди. Давлатимиз раҳбари Пахтаобод туманидаги инновацион иссиқхонани кўздан кечирди. Инновационлиги шундаки, бу жой илгари тош-шағал карвери бўлган. Ердан унумли фойдаланиш сиёсати натижасида у экинзорга айлантирилди. "Мега агро" маъсулияти чекланган жамияти бу ерда Испания технологияси асосида иссиқхона барпо этди. Бу технологияда экин полиэтилен қувурчалар орқали суғорилади. Энг муҳими, сув исроф бўлмайди, доимий айланб туради. Тадбиркор учун 16 гектар ер ажратилган. Шундан 6 гектарда очиқ ва ёпиқ иссиқхона ташкил этилган. Яна 2 гектарда Туркия ва Испаниядан олиб келинган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Иссиқхоналарда "Айсберг" карами, помидор, бодринг, уларнинг кўчатлари ва ҳар хил кўкатлар етиштирилади. Уларни юртимиз бозорларига етказиб бериш, шунингдек, йилига 1 миллион 500 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 100 та иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари Андижонда металл конструкторлар корхонаси ташкил этиб, четдан сотиб олинаётган материалларни маҳаллийлаштириш, хусусан, иссиқхона деталларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берди. Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти вилоятда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга акселератор бўлиши кераклиги таъкидланди. Президент Шавкат Мирзиёев Избоскан туманидаги "Рустамжон Замин ривож" фермер ҳўжалиги даласида галла ҳосилини кўрди. Ҳўжаликда 55 гектардан зиёд ерга бугдой экилган. Унинг ҳар гектаридан 72 центнердан зиёд ҳосил олиш кутилмоқда. Шундан 177 тонна давлат ресурслари учун сотилади, 225 тонна ўз ихтиёрида қолади. **2 бет**



"Янги Андижон" турар жой массиви барпо этилмоқда

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Андижон вилояти мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Янада аниқроқ айтилган бўлса, вилоят республика ҳудудининг 1 фозини, аҳолиси эса 10 фозини ташкил этади. Шу боис ҳам ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш талаб этилади.



Ипотека кредитлари ва қурилишда давлат назорати

Ислом ИБОДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони ижроси доирасида Қурилиш вазирлиги тизимига амалга оширилётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида кўплаб ўзгаришларга эришилди. Эндиликда ватандошларимиз турар жой харид қилишда ипотека имтиёзларининг интерактив усуллари билан фойдаланиши мумкин бўлди. Хусусан, аҳоли учун қурилатган уйлارнинг дислокацияси, нархи ҳамда ипотека кредити олиш мумкин бўлган банклар ва кредит шартлари ҳақидаги маълумотлар жамланган uy-joy.mc.uz, ipoteka-bozori.uz каби веб-порталлар фаолияти йўлга қўйилди. Шаҳар ва қишлоқларда кўп қаватли уй-жойларни барпо этишга мўлжалланган массивлар ва уларнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. – Жорий йилда давлат дастури доирасида 45000 хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қурилиши режалаштирилган, – деди матбуот анжуманида Қурилиш вазири

ўринбосари Шуҳратхўжа Ҳошимов. – 9 260 та қишлоқ, 17 354 та шаҳар жойларида, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан 8 336 та хонадонларга мўлжалланган уйлар, 3 550 та уй "Ўзшаҳар қурилиш инвест" компанияси томонидан ва 6 500 та яқка тартибдаги уйлари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш режалаштирилган. Республикамиз ҳудудда 1 048 та кўп қаватли уйлар қурилишини амалга ошириш учун 175 та массивлар танланди. Анжуманда дастурда белгиланган турар жойларни қуришда пудрат ташкилотларини танлаш жараёнидаги шаффоқлик таъминоти, қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, ички мониторинг масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Айтилганидек, танланган массивларга молиявий барқарор, салоҳиятли, етарли моддий-техник базасига, мутахассисларга ва тажрибага эга пудрат ташкилотларини аниқлаш мақсадида амалдаги қонунчиликка мувофиқ, намунавий танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, мазкур объектлар бўйича тендер савдоларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Мазкур тендерларда иштирок этиш учун қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига СС ва ундан юқори даражада бўлганлар рўйхатидан танлаб олинади. Объектларда уй-жойлар қурилиши устидан давлат назорати Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан олиб борилади. Матбуот анжумани давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Қонунчиликни билинг

Шаҳарсозлик кодексининг 28-моддаси нима ҳақида?

28-модда. Техник назорат

Шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш ва реконструкция қилишда техник назорат буюртмачи томонидан техник назорат бўйича мутахассисни бириктириш ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсни шартнома асосида жалб қилиш йўли билан амалга оширилади. Техник назорат бўйича мутахассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилган бўлиши керак.

Техник назорат бўйича мутахассис:

- пудратчи томонидан ташкилий-технологик ҳужжатлар ва шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, шунингдек, қурилиш объектида қурилиш-монтаж ишларининг сифатини таъминлашни устидан назоратни амалга оширади;
- яширин ишларни текшириш ва муҳим конструкцияларни оралиқ қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларни расмийлаштиришда қатнашади;
- техник назорат журналининг тўғри юритилишини таъминлайди;
- қурилиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан пудратчилар ва муаллифлик назорати бўйича мутахассислар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;
- конструкцияларнинг ишончилиги ҳамда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир кўрсатувчи, шунингдек инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи камчиликлар аниқланганда, буюртмачини ҳамда ҳудудий инспекцияни таъсирчан чоралар қуриш учун хабардор қилган ҳолда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради;
- қурилиш объектидаги қурилиш-монтаж ишлари сифатини мунтазам равишда назорат қилади.

Объектни қуриш (реконструкция қилиш) тугаллангандан сўнг техник назорат бўйича мутахассис буюртмачига бажарилиши қурилиш-монтаж ишларининг сифати тўғрисида ҳулоса беради. Техник назорат бўйича мутахассис қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

"Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!"

"Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивалида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти талабалари ҳам фаол қатнашди. Фестивалда ташкил этилган тадбирлар талабалар ҳаётида унутилмас онларга айланди.

Иштирокчилар талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган маданий-маърифий танлов ва спорт мусобақаларида бор маҳоратини намойиш этишди. Хусусан, тадбирлар доирасида "Энг яхши китобхон

налаба", "Энг яхши талаба рассом", "Энг яхши талабалар театр студияси", "Ал-Хоразмий издошлари" "Нотиқлик санъати" кўрик-танловлари ва "ҚВЗ", "Мунозара-Дебат", "Заковат" интеллектуал ўйинлари, шунингдек, спорт мусобақалари бўйича голиблар аниқланди. Ёшлар маркази биносига эса олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари иштирокида "Қув

ноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ҳам қизғин ўтди. Танловнинг якуний натижаларига кўра, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг "Мауроқандлик боғалар" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Голиблар вилоят ҳокими ҳамда институт маъмурияти томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестиваль доирасида режалаштирилган барча тадбирлардан сўнг, институт ҳовлисида ёшларга бағишланган катта гала-концерт томошалари бўлиб ўтди. Тадбирда институт ректори в.в.б. Эркин Исаков фаол ёшларга миннатдорчилик билдириб, келажакдаги ишларига омад тилади.

Ўз мухбиримиз.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ

1-бет

13 гектарда ёмғирлатиб суғориш жорий қилинган. Галладан бўшаган майдон такрорий экин экиш учун 200 нафар аҳолига ажратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ғаланинг нави, ҳосилдорлиги билан қизиқди.

– Ғалла ҳосилдорлигини 100 центнерга чиқариш чораларини кўриш керак. Шунда фермернинг ҳам, ишчиларнинг ҳам даромади ошади. Даромади кўпайса, фермер илмага эътибор беради, янгича ишлашга ўтади, кўни-кўшнисига, ёшларга фойдаси тегади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

– Бугун Андижонга келишимдан мақсад одамлар ислохотларнинг фойдасини сезяптими, рўзгоридан ўзгариш бўлдим, халқни рози қилиш учун яна нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб топди, – деди Президент. – Юриб кўряпман, албатта, ўзгариш бор. Лекин бу бизни қониқтирмайди. Янада кўпроқ ишчи жойлар, маҳаллаларда шароитлар қилишимиз керак.

Учрашувда қишлоқларда саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хонадонларда паррандачилик, томорқачиликни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

– Ислохотларнинг кучи – маҳаллада, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Изобоскан туманидаги Урганчи маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳаллада 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу йил 915 ўринли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилди. Барча кўчалар обод бўляпти. Ўнлаб кичик бизнес субъектлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, "Street Workout" спорт майдончаси, "Рақамли маҳалла" IT-маркази бунёд этилди. IT-марказида болалар компьютер саводхонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўрганипти.

Одамларнинг ўзи ҳам хунарманд, миришкор. Жумладан, дехқончилик билан шуғулланиш истигад бўлган ёшларга 10 сотихдан ер ажратилляпти. Маҳалладаги 150 та хонадонга 50 тадан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланган.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Курбонали Уринбоев хонадонига бўлиб, яшаш шароитини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

– Энди ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, бизнес-режа ёзиб берилади. Давлат ташкилотлари шароит яратади. Ҳозирги замонга муносиб бўлиб, меҳнат қилмасак, ниятимизга етолмаймиз. Худонинг ўзи меҳнатга, ҳаракатга яраша ажрини беради, – деди Президент.

Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, дуо қилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Шу боис Президентимиз вилоятга аввалги ташрифи чоғида Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг, туркиялик мутахассислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, шу йил 12 апрель кўни тақдимот қилинган эди. Давлатимиз раҳбари уй-жойларни пухта лойиҳалаштириш, ҳудудда кўпроқ боғ ва хиёбонлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берганди.

17 июнь кўни ушбу янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди. Унда нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Президентимиз бу қурилишни халқимиз бунёдкорлигини намоён этадиган тарихий воқеа деб атади.

– Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзини қийнаман. Чунки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир нечта

келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узоқни ўйлаб, янги шаҳар қуришга киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Президентимизнинг кўрсатмасига мувофиқ, яна қарийб шунча майдонда яшил ҳудуд барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 та босқичда амалга оширилади. Унинг коммуникация тармоқларини бошлаш учун жорий йилда Тикланшиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади. Бунда 33 километр ичимлик суви тармоғи, 52 километр автомобиль йўли, 18 километр электр ва 27 километр газ тармоқлари қурилади.

Биринчи босқичда 3 минг 310 та квартиралар 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли боғча, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шаҳар қурилиши даврида 10 мингдан ортиқ, кейин эса саноат, савдо, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон Заҳририддин Муҳаммад Бобур вояга етган замин экани, андижонликлар билими ва матонатини катта ишларга қодирлигини таъкидлади.

– Бугун мана шундай улкан бунёдкорлик ишларига киришар эканмиз, аввало мард ва олижаноб халқимиз қудратига, аждодларимизнинг бой билими ва тажрибасига, меҳнаткаш, бир сўзли ва танти Андижон аҳлининг азму шижоатига сунанамиз. Меҳнатимиз, илмимиз ва ҳаракатимиз билан Андижон келажагини қурашимиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президентимиз янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйди.

– Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу кунларга етганимизга шукр. Умид қиламанки, Янги Андижон халқимиз бахтли, фаровон яшайдиган обод маскан бўлади. Бу тарихий воқеа билан, хайрли маросим билан бугун Андижон халқини чин юракдан табриклаймиз, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Маросимда меҳнат фахрийлари, қурувчилар сўзга чиқди.

Қиёслаш учун мисол: Андижон вилояти бўйича 2016 йилгача 4 минг 846 та оила учун яқка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган. Охириги 5 йилда эса 11 минг квартиралар кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 та яқка тартибдаги уйлар қурилди. Жорий йилда 6 минг 346 хонадонли 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та яқка тартибдаги уйлар барпо этилмоқда.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Тўқимачилик саноати Андижон вилоятидаги "драйвер" соҳалардан. Бугун бу ерда 700 га яқин шундай корхоналар фаолият юритмоқда.

Андижон шаҳридаги "Dinar group" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонаси – шулардан бири.

Умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа учун қаровисиз бино "ноль" қийматда берилган эди. Атиги етти ойда бу ерда замонавий корхона пайдо бўлди.

Янги корхонага Италия, Австрия ва Туркия каби давлатлардан мато бўяш ва тикув ускуналари келтириб ўрнатилди. 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона йилга 3,5 миллион дона тайёр трикотаж ва 5 минг тонна ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг GSP+ дастурига аъзо бўлиши билан бу корхона учун ҳам кенг йўл очилди. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатлар буюртмалари асосида 50 дан ортиқ турдаги ярим тайёр ва 100 хилдан ортиқ тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Йиллик экспортни 40 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бўш турган иншоотлардан самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасига Андижон шаҳридаги "Digomni" фабрикаси ҳам мисол бўла олади. Унинг биниси 1980 йилларда қурилган, узоқ вақт ишламасдан, ташландик ҳолга келиб қолганди.

"Бобур ХБК" масъулияти чекланган жамияти томонидан 33 миллион 500 минг доллар миқдорда инвестиция киритилгач, бино қиёфаси тамоман ўзгарди. У мукамал таъмирланди, Франция, Германия, Италия, Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 1 минг 500 киши меҳнат қилмоқда. Тўлиқ қувватда 2 минг 700 та доимий иш ўрни бўлади.

Бугунги кунда корхонада 200 турдаги жинси маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Матони бўйшдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган жаран замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу фабрикада ҳам маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилинади. Мўлжал – йилга 25 миллион долларлик маҳсулотни хорижга етказиб бериш.

Президентимиз янги корхоналардаги иш жараёнини, маҳсулот намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддиларга корхоналар фаолиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти Бош жоме масжидини бориб кўрди. Бу жойда илк масжид 1870 йилда тикланган. Ҳозирги масжид қурилиши 2018 йилда бошланиб, шу йил май ойида якунланди.

Янги бино қадимий чор айвон ва чор дарвоза услубида барпо этилган. Унинг икки четида баландлиги 54 метрлик миноралар, асосий бинонинг тепа қисмида диаметри 18 метрли гўмбаз қурилган.

Илгари масжид сизими 5 минг кишини ташкил қилган бўлса, энди бино 15 мингдан ортиқ намозхонни ўз ичига сиғдира олади.

Қуръон оятларидан тиловат этилиб, дуо қилинди.

– Бу даргоҳни барпо этишга ҳисса қўшган муҳандислар, қурувчи ва безакчилар, ҳомиёларга миннатдорчилик билдираман. Масжид Андижон халқига муборак бўлсин, узоқ йиллар халқимизга хизмат қилсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда уламо ва имом-хатиблар билан мулоқот бўлди.

– Ҳамма жойларда муқаддас зиёратгоҳларни обод қилиш, янги масжид ва маърифат марказлари қуришга эътибор қаратилсин. Шундай хайрли ишларни давом эттирамиз. Мўмин-муслимонлар бу ерга келиб, ибодатларни эмин-эркин бажариб, шукронани билан халқимизни дуолар қилса, нур устига нур, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.



“ЯНГИ АНДИЖОН” тузар жой массиви барпо этилмоқда



1-бет

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда Андижон шаҳри билан туташ адир ҳудудларида кўп қаватли арзон уйлар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Дастурга кўра, ўтган йили Хўжаобод тумани Иттифоқ массивидаги адир зонасида бир неча босқичда кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган. Мазкур ҳудудда биринчи босқичда 330 квартиралар 2-3 хонадан иборат 11 та кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Бугунги кунга келиб барпо этилган уйларнинг аксарияти ўз эгаларига топширилди.

Жорий йилда эса Андижон тумани адирликларида 411 минг аҳолига мўлжалланган “Янги Андижон” тузар жой массивини барпо этишга киришилди.

Мазкур массивнинг умумий майдони қарийб 4 минг гектарни ташкил этади. Бу ерда биринчи босқичда 3 минг 310 хонадонли 170 та кўп қаватли уй, мактаб, боғча ва поликлиника қурилиши режалаштирилган. Жумладан, 1 минг 435 гектар майдонда турли қурилмалар, яъни уй-жой, савдо масканлари, саноат зонаси барпо этилади. Шунингдек, 1 минг 942 гектар майдонда яшил, 240 гектар майдонда хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилади, 364 гектар майдон йўллар ва бошқа инфраструктура объектларидан иборат бўлади.

Бугунги кунда Янги Андижон тузар жой массиви ҳудудида Андижон автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси томонидан белгиланган йўллари барпо этишга киришилди. Зарур техника воситалари жалб этилиб, ишчи-ҳодимлар, мутахассислар қизгин иш олиб бормоқда.

Жиззахдан дараклар

Маҳаллалар замонавий биноларда иш бошлади

Фозилжон ҚОСИМОВ,
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

Фориш туманида ҳам ободончилик ишлари жадал давом этмоқда. Туман масъуллари ишлар билан танишиб, аҳоли мурожаатларига ечим топаётгани, нур устига аъло нур бўляпти.

Хусусан, туман ҳокими Икром Матиев ўхум маҳалласида бўлиб, “Обод маҳалла” дастури доирасидаги ишлар билан танишди. Туман прокурори, 2-сектор раҳба-

ри Мирзараҳим Отакулов Гараша маҳалласида ҳам ҳудудни ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш, электр энергияси таъминоти тармоқларини реконструкция қилиш, ички йўллари таъмирлаш ва кенгайтириш, аҳоли уй-жойлари ҳамда ёрдамчи хўжалик биноларини таъмирлаш ишлари бажарилляпти.

Маҳаллада 2 та йўл созловчи гуруҳ ҳамда 40 дан зиёд уй-жой ва ёрдамчи хўжаликларни таъмирловчи ишчи меҳнат қилмоқда. Шу ҳудуддаги Нарвон маҳалласининг янги биноси очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалланинг саховатпеша инсонларига ҳоқимликнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўтган йиллар давомида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Илғор ҳудуд” каби манзилли дастурлар асосида Бахмал туманида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Туман маркази ва ўндан зиёд маҳаллау қишлоқлар қиёфаси янгиланди. Хусусан, туман марказидан 25 километр олинса жойлашган “Нурафшон” МФЙ биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтган тадбирда 5 та маҳалланинг профилактика инспекторларига компьютер жамланмаси топширилиб, Нурафшон маҳалласи биносининг қурилишига муносиб ҳисса қўшган тадбиркор ва ҳомиёлар рағбатлантирилди.

Эҳтиёжмандларга уй-жой калитни топширилди

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида бахтли оилалар бугун яна 24 тага кўпайди. Давлатимизнинг эътибори билан эҳтиёжманд оилаларга барча шароитларга эга уй-жойларнинг калитлари топширилди.

Ҳаёт қийинчиликлари инсонни нафақат ҳар томонлама синайди, балки тоблайди ва сабрга ўргатади. Баъзида йўлимизда дуч келган муаммони ҳал қилишга қурбимиз етмайди, ишимиз ўнг бўлиб ечим топса, кўнгли шодланади. Дилдора Ақромова ҳам турмуш ўртоғи билан катта орзуларни ният қилиб турмуш қурганига 15 йил бўлди. Йиллар бу оилани уйсизлик, ҳаётнинг оғир синовлари чиғириндан тўқазди. Катта фарзанди Нозиманинг туғма ногиронлиги улар-

нинг бардошини яна ҳам синангандек туюларди. Аммо улар, умид қилишдан, орзулардан тўхтамади.

– Бугун қувончим чексиз. Оиламиз қийнаётганини эътиборга олиб, бизни қўллаб-қувватлаётган мутасаддиларга раҳмат. Шу ватан, шу элда яшаётганимдан фахрланаман Бу хонадоннинг шароитлари, барчаси жуда маъқул, – деди Дилдора Ақромова.

Дилдора Ақромова сингари 24 та оила ана шундай барча шароитларга эга уй-жойли бўлишди. Пахтакор туманидаги Олтинқул маҳалласида қурилиши тугалланмаган 2 та бино айнан эҳтиёжманд оилалар учун Ўзбекистон Касаба уюмшарлари Федерацияси кенгашининг ҳомиёлигида янгитдан бунёд этилди. Уйларни топшириш маросими тўйга уланди. Унда туман кенгаши депутатлари ва жамоатчилик иштирок этди.

“Камалак”нинг янги жилоси

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

– Буважон, боғчамизда тўй бўляптими? Қаранг, карнай-сурнай чалиняпти, – дея бобосига савол берди 4 ёшли болакай.

– Ҳа, болажоним, бугун боғчангизда тўй. Одамлар янги уй қурса, тўй қилиб кўчиб ўтади. Боғчангиз ҳам бугун янгидан қурилгани учун тўй қилиб, болаларни қақиряпти...

Қўл ушлашиб боғча томон йўл олган бобо-набиранинг ортидан кириб борар эканмиз, эрта тонгдан атрофдагиларни чорлаган карнай-сурнай овози бежиз эмаслигини аңгладик. Илгари эскириб, кўрimsиз қиёфага келиб қолган мактабгача таълим ташкилоти бугун тўлиқ реконструкция ва капитал таъмирдан кейин ўзгача қиёфада болажонларга кучоқ очиб турибди.

Учтепа туманидаги 341-сонли “Камалак” МТТ 9 миллиард 648 миллион сўмлик инвестиция маблағи ҳамда “Industrial Construction Group” МЧЖнинг 100 дан ортиқ ишчилари меҳнати эвазига янгича жило сочмоқда.

Реконструкциядан чиққан муассасада мавжуд гуруҳлардан ташқари, яна бешта кўшимча гуруҳлар учун бинолар қурилди. Аввал мавжуд бўлмаган спортзал ва бассейн ҳам болалар ихтиёрига топширилди. Мухим, қайта таъмирдан кейин унинг нафақат ташқи қиёфаси, балки мазмунан ҳам янгиланди. Гуруҳлар маълум бир йўналиш ва таълим тилига ихтисослаштирилиб, хоналар шунга мос жиҳозланган. Шунингдек, янги бунёд этилган иккита йўлак ҳам маълум бир тематикага мўлжалланган бўлиб, жиҳозланиши бир-биридан фарқ қилади. Масалан, “Миллий-маънавий” йўлак. Ушбу йўлак миллий колорит ва наққошлик йўналишидаги дизайнда яратилган. Унда Ренессансга пойдевор қўйган буюк сиймолар ва аждодларимиз қолдирган тари-

хий ёдгорликлар акс эттирилган. “Йўл ҳаракати” тематикаси акс этган йўлакдан ўтаётган болажонлар унда акс эттирилган ҳаракат қоидалари билан танишади.

– Анчадан буён 4 ёшли набирам учун муносиб боғча қидираётган эдик, – дейди Муқаддас Нормуродова. – “Камалак”нинг қайта таъмирдан чиққан ва янги қурилган биноларини кўриб, шароитлари билан танишгач, биз қидирган жой эканини аңгладик. Ҳатто, хусусий боғчадан қолишмайди, деса ҳам бўлади. Спорт машғулотларида чинқиқиб, рус тилидан ташқари, математикани ҳам ўрганишни эшитиб, набирамдан энди кўнглим тўқ.

Бундан ташқари, ота-оналарнинг талабига биноан, рус, инглиз, немис ҳамда ўзбек тилини ўрганишга мўлжалланган инновацион гуруҳлар ҳам ташкил қилинди. “Смарт кидс” таълим тили рус, инглиз тилига ихтисослашган, “Звездочка” таълим тили рус, “Петерсон” дастури асосида математикага ихтисослашган, “Мишутка” каби таълим тили рус, “Робототехника” тўғраги бўйича иш олиб бо-

ришга ихтисослашган гуруҳларда таълим-тарбия олган болалар боғчаданок ўзи қизиққан соҳани танлаб улгуриши аниқ.

МТТнинг 200 уринга мўлжалланган ошонаси ҳам барча талаб даражасида таъмирланган.

– Муассасамиз 1967 йилда қурилган бўлиб, шу кунга қадар бирор марта ҳам капитал таъмир ёки реконструкция қилинмаганди, – дейди МТТ директори Кимё Абдуллаева. – Битта кичкина хонада психолог, ижрочи, дефектолог, методист ишлашга мажбур бўлган пайтларни ҳам кўрдик. Гуруҳларнинг санитар аҳоли ҳам талабга жавоб бермасди. 2020 йилги Инвестиция дастурига киритилган боғчамиз 360 ўридан 510 ўринга кенгайди. Энди ҳудуддаги барча болажонларни муассасага қамраб олиш учун имкониятимиз етади.

Ташкилот очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар болажонларни бугунги унутилмас кун билан табриклаб, юртимизда келажак авлодга кўрсатилаётган гамхўрлик учун миннатдорчилик билдирилди.



Исмоилов, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раимберди Жумаев, ўша пайтдаги “Коммунизм” колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Латипов, Боёвут совхоз директори Қуддус Рашидов каби устозлар билан елкадош бўлиб меҳнат қилди. Вақт ўтиб мақоламиз қаҳрамони Сирдарё вилояти комсомол кўмитасини бошқаради. Ўша йилларда у киши раҳбарлигида ишлаган кўплаб кадрлар, шогирдлари ҳозир республикамизнинг турли вилоятларида масъул лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Айниқса, Азиз ака Тўраевнинг вилоят маркази – Гулистон шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби лавозимида ишлаган йиллари алоҳида эътиборга молик. Вилоятнинг тикланиши ва ривожига муносиб ҳисса қўшган шогирдлари, тенгдошлари ўша йилларни – одамни ҳайратга солувчи чўлни ўзлаштириш кунлари-ю тунларини алоҳида ғурур билан эслашади. Гулистоннинг обод бўлишида Азиз ака Тўраевнинг жонбозлиги, меҳнатсеварлиги, оғир кунларда ҳам Гулистон, умуман олганда, вилоят халқига бўлган меҳри ҳақида ҳозир ҳам қалбдан гапиряси.

Республикамизнинг раҳбари Шароф Рашидовнинг Сирдарё вилоятига бўлган навбатдаги сафари чоғида Азиз ака Тўраев у кишининг назарига тушади. Кўп ўтмай Азиз ака Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасига таклиф этилиб, маданият бўлимини бошқара бошлайди. Шу ўринда қайд этиб ўтмоғ керакки, баъзан ўтмишни қора бўёқлар билан тасвирлашга уринадиганлар топилари, бироқ ўша тизимда ҳам мукамал ишлаб чиқилган, аниқ иш механизмига солинган ва амалиётда ўзини оқлаган қондалар бор эдики, улардан мосуво бўлиш ҳаётимизда маълум қийинчиликларга, хатоликларга олиб келишини инкор этиб бўлмайди. Давлатчиликни юритиш, бошқариш қотиб қолган догма бўлмайди, давлат бошқаруви кадрлар сиёсатининг оқилона юритилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам Шароф отадек инсонлар сиёсат оламига иродали, талантли, дипломатик шуури кучли инсонларни олиб кирганлар. Азиз Оппоқович Тўраев ҳам Шароф Рашидов йилларида шаклланган ана шундай тизимнинг маҳсули, вакили эди.

валар номида ижод мактаблари очилди. Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Озод Шарафидинов каби бир қатор ижодкорларга Адиблар хибонада муҳташам ҳайкаллар ўрнатилди.

Бироқ хаёл сураман: ўзимизнинг адабиёт ва санъатимизнинг икки дарғаси Комил Яшин ва Ҳалима Носирова нега четда қолди? Уларнинг пок номлари борган сари хотиралардан ўчиб бормоқдаку?

Шароф Рашидовнинг вафотидан кейинги кун Азиз акага телефон қилдим. Ўта тушкун ҳолда аранг гапирар эди: Сен Ҳалимага айт, Шароф Рашидовни ўлими ҳақида дил сўзларини ёзсин, тайёр бўлса, менга олиб келгин, – деди. – Кўпчилик ўз муносабатини билдирмоқда, – деб қўшиб қўйди. Ўша кунлари Ҳалима кичик қизим билан касалхонада эди, кечкурун касалхонага бориб, бўлган гапни унга етказдим. Ҳалима тўхтамасдан йиғларди... Эрталаб тонгда менга телефон қилди: “Оғир ҳолат отаси... лекин бир-икки варақ қоралагандай бўлдим, кўрингчи, маъқул бўлса, берарсиз”. Ўша кун эрталаб шеърни Азиз Оппоқовичга етказдим, у кишига жуда маъқул бўлди. Шейр газеталарда, биринчи бўлиб “Тошкент оқшоми” газетасида чоп этилди. Ўша қора кунларда ёзилган бу шейр халқимиз юрагининг тўридан жой олган эди.

Алвидо, Отажоним

(Устоз Шароф Рашидов ўлими муносабати билан)

Алвидо, отажоним, демоққа тилим бормас,
Марҳум, деб гаминагизни емоққа дилим бормас,
Е раб, бу видео шеърни ёзмоққа қўлим бормас,
Ногаҳонда мард юрак, панд бердим, отажон,
Сиздан халқнинг умиди, шул эдим, Отажон.

Юракларга қўлаган энг юксак тоғ, дейинми,
Авжи етилганида дўл урган боғ, дейинми,
Бир шогирддай кўксимда, ҳеч ўчмас доғ, дейинми,
Нима дейин сўзданам, адаштириб қўйдингиз,
Ҳамма даврадаку, сиз, барвақт куриб кетдингиз.

АЪМОЛИ – ИНСОНИЙЛИК, ВАТАНГА ХИЗМАТ...

Мавлон УМИРЗОҚОВ,
иктисод фанлари доктори, профессор.

Мақоламиз қаҳрамони, ажойиб инсон Азиз ака Тўраев ҳақида ўйлаганимда, беихтиёр француз файласуфи Даламбернинг “Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оилани, оиладан ватанини, ватандан инсониятни устун қўймоғи керак”, деган сўзлари ёдимга келади. Ҳаммага ҳам бундай улкан инсоний туйғулар, шахслик даражалари билан яшамоқ насиб этавермайди.

Бўстонликда туғилиб, ўз устида тинимсиз ишлаши, интилиши, тафаккури сабаб Азиз Оппоқович Тўраев республикамизнинг таниқли давлат ва сиёсат арбоби даражасига эди. Бутун ҳаёти давомида эл-юрт ривожига, Ватан дарди, унинг равнақи йўлида ашаб келмоқда. Азиз аканинг сайқалланган истеъдоди, қобилияти, битмас-туганмас куч-ғайрати, ёрқин ақл-идроки, чексиз орзу-ниятлари, жўшқин шижоатига гувоҳ бўлган кишилар акага ҳавас қилади.

Азиз Тўраевнинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у киши республикамизнинг ривожига бетакрор ҳисса қўшган буюк давлат арбоблари Усмон ота Юсупов, Шароф ота Рашидовлар раҳбарлигида мактаб ўқитувчилигидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси Маданият бўлими мудирилик даражасигача бўлган пиллаполярни босиб ўтган. Бир неча бор Ўзбекистон Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказқўми аъзоси этиб сайланган.

Азиз ака ҳаётини яхши билган дўст сифатида у киши устозларига бўлган ихлос ва садоқатдан бахт топангани доим эътироф этаман. Устозлари ҳақида гапирар экан: “Мен, – деб эслайди Азиз ака, – тилларда дoston бўлган раҳбар Усмон ота Юсуповни 1957 йилда илк бор кўрганман. 1956 йили Тошкент педагогика техникумини тамомлаб, Мирзачўлдаги Боёвут туманига йўлланма билан ишга борганман ва 1957-1958 йилларда Усмон ота раҳбарлигида 4-Боёвут совхозидagi 47-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Яқиндан танишим эса 1959 йилда юз берган. Ўша йилнинг февралда мени Боёвут тумани комсомол кўмитаси секретари лавозимига сайлашди. Иш юзасидан совхозда кўп бўлишимга тўғри келган. У киши ҳар сафар борганимда “Ўғлим, яхши келдингми, бизга нима хизмат?” дея кутуб оларди. Шундай масъулиятли лавозимларда ишлаган бўлсалар-да, ўзини ҳеч қачон катта тутмасди, кибор қилмасдилар. Жуда ёш бўлсам ҳам менга ҳурмат кўрсатардилар. Ҳатто уларга бевосита тегишли бўлмаса-да, ҳўжаликнинг комсомол сайлов йиғилишларида ҳам фаол қатнашарди. Шундай юксак инсоний фазилатлари, камтарликлари ва меҳнатлари учун ҳам Усмон ота элнинг фарзандидан халқнинг йўлбошчисига айландилар.”

Азиз ака Боёвут туманида комсомол кўмитасини бошқарган йилларда район кўмитаси секретари, сўнг Жиззах вилояти ижрокўми раиси лавозимига ишлаган Эржабой

Ижодкорларга, умуман адабиёт, санъат, маданият аҳлига ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш қандай бўлиши лозимлигини, деб хотирлайди Азиз Оппоқович – шахсан мен Шароф Рашидовдан ўрганганман. Вафотидан сўнг айрим ижодкорлар орасида унинг даврини камситганлари ҳам бўлди. Лекин мен керак бўлса ҳамма масъулиятни бўйинига олиб айтишим мумкинки, 70-йиллардан сўнг бошига бундай қўлфат тушган ижод аҳлини эслаш олмайман.

Шу ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмларини жуда кўп йиллар бошқарган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин билан бўлган учрашувимиз ҳақида тўхталмоқчиман. 90-йилларнинг бошлари эди, Комил Яшин менга телефон қилиб қолди. У киши ва умр йўлдоши Ҳалима Носирова билан деярли кўшни бўлиб яшар эдик. Оилавий учрашувларимиз уларнинг хонадонларида ўтарди. Иккалалари ҳам ўта камтар, меҳрибон, одамлар учун жонини беришга тайёр инсон эди. Телефондаги суҳбатларидан сездимки, нимадандир хафа, ўта безовта эдилар.

– Мавлонжон, сиз билан учрашмоқчиман, қачон қабулингизга борсам бўлади, – дедилар.
– Яшин ака, сиз учун эшигимиз ҳаммиса очик, Овора бўлмаслигиниз учун ўзим бораман, – дедим.
– Жуда зарур гапим бор, – деди Комил Яшин.
Хонада иккаламиз узоқ гаплашдик...

– Хабарингиз бор, – деб сўз бошлади Яшин ака. – Ҳалима опангиз узоқ йиллардан буюн астма касаллигидан қийналади. Шу сабаб Шароф Рашидовнинг топшириги ва Азиз аканинг Тўраев назоратида Бўстонлик туманидаги “Оқтош” санаторияси ёнидан Ҳалима опангиз учун тахтадан бир уй қуриб берилган эди. Ҳозир мана шу уйни Урмон ҳўжалиги раҳбарияти биздан тортиб олмоқчи. Олдинлари бирор бир муаммомиз бўлса, Азиз Оппоқовичга борар эдик, ҳозир у киши бошқа лавозимда. Нима қилишимизни билмаймиз...

Мен ўрмон ҳўжалиги вазирига телефон қилдим. Муаммонинг моҳиятини, яъни ижодкорга эҳтиромли ва ҳимматли бўлиш кераклигини айтдим. Ёнимда Комил Яшин бор, у киши сизга салом айтмоқдалар, деб қўшиб ҳам қўйдим. Масала ҳал бўлганлигидан Яшин ака ўта миннатдор бўлди. Биз хайрлашдик. У кишини пастгача кузатиб, орқага қайтар эканман, одамнинг қадрини билмайладиган, ижодкорларга эҳтиромни англамайдиган, ўз нафси учун бировнинг мулкини тортиб олишга тайёр ноинсоф кадрлар ҳақидаги ўйлар мени чўлгаб олган эди.

Айтишларича, вақт ўтиб, (бизнинг қўллардан имкон кетганида) Урмон ҳўжалиги раҳбарияти барибир ўша уйни ўзига олиб, бошқа бировнинг номига хусусийлаштирган экан... Афсус, баъзида истеъдодга бўлган муносабатдан хафа бўлиб кетасан одам.

...Миннатдор бўлиш керакки, бугунги кунда истеъдодларни асраш, уларга эҳтиром кўрсатиш борасидаги позициялар ижобий томонга ўзгарди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан бу борада жуда улғу ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердие-

Тошкентнинг ҳар уйининг асосин сиз қўйгансиз, Ўз рўзгорингиз каби бул шаҳарни суйгансиз, Ўзбекистон деганни жонингизда туйгансиз, Бирдан у хабар... ҳар уй зир титраса нетарсиз, Ҳар бир гишти тилга кириб, “Қани?” деса нетарсиз?

Сор бургут энг баландда урилгандай қояга Қандоқ гўзал ўлим бу, хожат йўқ ҳийомга, Тиркилик ҳам, ўлим ҳам тикилган бир ғояга, Яшамоқ ва ўлмоқни, бу хил уддалаш бирдай, Менга туюлар гўзал, ҳеч ечимми йўқ сирдай.

Бир кун “Олтин водийдан шабода” эсар сим-сим, “Ғолиблар”нинг кўнгли – видео жомидир, лим-лим, Олимжонлар тураркан бош кўтаролмай, жим-жим, Тугатолмай қолдирган китобингиз куймасми Ойқиздек Холбувилар қаро-қаро киймасми?!

Бул кунларам ўтар-у, ўтар вафога қийин, Азал-абрад жонисор, содиқ вафодга қийин, Сизга эллик йиллик дўст – Хурсанд опага қийин, Тобут узра кўксини ушлаб ҳар чон кўрғинди, Алп фарзанддан айрилган – Ўзбекистон тўкилди.

Баъзан битта одамнинг кўнглини топмоқ мушкул, Чорак аср бутун бир халқ кўнглига топиб йўл, Қон-қандорд хоржийга “жигарим” деб, тутиб қўли, Яшадингиз, келсалар хотирангизни “сиз”лаб, Анжуманлар тўридан қолмасми сизни излаб.

Мен қандоғам йиғламай, тоғу-тошлар йиғласа, Дийдаларни куйдирган аччиқ ёшлар йиғласа, Бир умр эгилмаган эгик бошлар йиғласа, Юрт Юртбошини йўқлар, қандоқ қаро кундир бу, Сарбонини йўқотган қарвони – забундир бу.

Кўз юмдим, ўтаверар оломон қатор-қатор, Олда махзун аёллар, суянишган бемадор, Халқим бу хил ўлимни сен қачон кўрганнинг бор, Халқим-ей, бу ўғилни қандоқ бердинг тупроққа, Умидинг борми тагин шундоқ ўғил топлмоққа?

“Бор, бор” дейман ўрнингиз бўшмаслигини кўриб, Бир эл боласи йироқ тушмаслигини кўриб, Олдинга чиққанларнинг фир тўғини кўриб, Амиман, бу юрт тагин Юртбошини топгай, Халқ тагин қад кўтаргай, тагин омади чопгай!

Бугун эса... бу ўлим сизмас ҳеч бир таъбирга, Бугун кўмирдай қуйиб йўл оларкан қарга, Тўқатга тоқат тилаб, сабр тилаб сабрга, Халқим, қайтмас бир даҳо ўлгинг учун куйман Алвидо, деб бу шейрга қандоқ нукта қўяман?!

Алвидо, отажоним, демоққа тилим бормас...
Ҳалима Худойбердиева.

Ўттир кўнгилларига меҳр улашиб...

Фозилжон ҚОСИМОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги 2 та махсус мактаб-интернатнинг қайтадан мукамал таъмирланиб фойдаланишга топширилгани кендик қалбларга катта қувонч бахш этди.

Ҳозирда заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатда 214 нафар бола

таълим-тарбия оляпти. Узоқ йиллар бу даргоҳ эътибордан четда қолгани боис шароитлар ҳам мақтағулик даражада эмас эди. Яқинда у қайта таъмирланиб, 20 та синфхоналари, тасвирий санъат ва барча фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган хоналар, замонавий электрон кутубхона, инновацион компьютер хоналари ташкил этилди.

– Айниқса ўқувчиларга касб-хунар сирларини ўргатиш мақсадида замонавий ва зарурий шарт-шароитлар билан жиҳозланган тикувчилик, зардўзлик, лойихалаш

ва дизайнерлик, эркаклар, аёллар сартарошлиги, ҳамширалик ишини ўргатишга ихтисослаштирилган махсус хоналар ташкил этилгани нуқсонни бор болаларнинг таълим олиши билан бирга, касб-хунар эгаллашига катта зимин яратди, – деди ўқитувчи Лола Нурманова.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратиш мақсадида, Кар болалар махсус мактаб-интернатга қариб 8 млрд сўм маблағ маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилди.

Натижада бу жойда замонавий дизайн асосида талаб даражасидаги информатика, робототехника, кутубхона, маданият зали, психолог, сурдотаржимон, тиббиёт хонаси, 19 та ўқув ва фан хоналари, яқна машғулот, касбга йналтирувчи технология ва сартарошхона, болалар спорт зали, ошхона, 160 ўринга мўлжалланган ётоқхоналар капитал реконструкция қилинди.

Ушбу замонавий мактаб биносига асосий мазмун бағишлайдиган жиҳат бу – ўқувчиларга бериладиган таълим-тарбиянинг сифатидир.

Шу ўринда эслагим келди: Азиз акам билан шу йилнинг апрель ойида бўлган учрашувимизда у киши менга Ҳалима ёзган мазкур шеърнинг асл нусхасини бердилар. Ҳа, ўша ўз қўли билан Шароф Рашидов ҳақида ёзган шеър... Ажабо, ўша кунга ҳам 38 йил бўлибди. Шунча йил Азиз ака архивида сақланаётган экан. Мана Азиз акадек улғу инсонларнинг истеъдодга, шейрга бўлган ибратли муносабати.

– Дунёда ажаб ишлар кўп... КПСС МК ва СССР Министрлар Совети 1986 йил 22 май кунги қарори билан Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш буйича 1983 йил 23 декабрда қабул қилинган қарорни бекор қилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси катта залида ўша қарорни ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг, – деб эслайди Азиз Оппоқович, – мажлис қатнашчилари томонидан Шароф аканинг номига бўҳтонлар ёғдирилиб, шаънига ёлгон айбловлар қўйилди. Мен мажлисда ичимни еб ўтирдим. У ерда бу улғу инсонни, қолаверса, марҳумни ёмонлаб гуноҳга ботаётган кимсалар кечагина Шароф Рашидовнинг раҳбарлик салоҳияти ҳақида тўлиб-тошиб гапирган, доно ва билимдон сиёсатчи, халқпарвар раҳбар дея кўкларга кўтариб мақтаган майда, пасткаш ҳамкасблар эди. Уларнинг гапларини эшитиш, манфур башарасига қараб ўтириш мен учун ниҳоятда азобли бўлганди. Улар Ўзбекистон партия кўмитаси йўл қўйган барча камчиликларни Шароф Рашидовга тақадилар!

Азиз аканинг хотираларини қўллаган ҳолда одамзотнинг ажаб қилиқларидан бир мисол келтираман. Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси лавозимига ишлаётган пайтимида Ўзбекистон Олий Совети сессияларининг 70-80-йиллардаги айрим материаллари билан танишгандим. Ўша йилларда ўтган сессияларнинг бирида сўз олган вилоят раҳбарларидан бири Шароф Рашидов тирикчилигида 34 мартаба Рашидов номини улғу сўзлар билан олқишлаган бўлса, Шароф отанинг вафотидан ва қораланганидан сўнг эса 44 марта тақдирли, бўҳтонли сўзларни ёғдирганди... Ҳатто шогирдлардан яна бири эса Шароф Рашидов бюсти майдалаб ташлангани ҳақидаги протоколни мағрурона кўтариб юрган эди. Москвада ин қурган қора кучлар ва уларнинг ўзимиздаги ҳамтовоқлари Шароф Рашидовни қанчалик қораламасин, бу буюк инсоннинг Ўзбекистонда, ўзбек халқига қилган яхшилиги кўп ва халқимиз ўзининг даҳоси деб билади. Немис файласуфи “Нима бўлганда ҳам, барибир, қабр тақдир зарбаларига қарши энг аъло қалъадир” деб ёзган экан. Шароф Рашидов энди тақдир зарбалари етмайдиган қалъада. Марҳум ҳақида ёмон гапиршигина эмас, ёмон хаёлга боришининг ўзи гуноҳларнинг каттасидир.

...1989 йилнинг ёзида Ислом Каримов Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби этиб сайланди. Шу йилдан бошлаб Шароф Рашидов ҳақидаги бўҳтонларга нуқта қўйилди. Шароф отанинг муборак номи, у кишининг фаолияти ҳақида биринчилар қаторида Азиз Оппоқовичнинг турли мақолалари, суҳбатлари газета ва журналларда босилиб чиқа бошлайди. 2017 йилда эса “Биз билган ва билмаган ҳазрати инсон” китоби босмадан чиқди. Бу китоб омма орасида зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Муаллиф номига минглаб олқиш хатлари юборилди. 1992 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” қарори эълон қилинганди. Мамлакатимиз аҳолиси бундай қарорни кўтаринки руҳ билан кутиб олган эди. КПСС Марказий комитетининг Шароф Рашидовни қоралаш ҳақидаги шармандали қарори эълон қилинган кундан 6 йил ҳам ўтмай халқимизнинг буюк фарзанди Шароф Рашидовнинг номи бутунлай тикланди. Шубҳасиз, бундай улғувор ҳаракатнинг тепасида республикамизнинг Биринчи Президентини Ислом Абдуғаниевич Каримов турар эди. Буюк одамларнинг қисмати ҳам буюк бўлади, тарихдан шундай. Инсоният учун қилинган улғувор ишлар қора кучлар томонидан қанчалик қораланмасин, барибир, тарих зарварларидан ўчирилмайди. Мамлакатимизнинг ҳам ноҳақ қораланган юзлаб, минглаб кадрлари Ислом Каримов ишлаган йилларда ва ундан сўнг Президентимиз, халқпарвар инсон Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги даврида тўла оқланиб, халқимиз фаровонлиги учун турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Кадрлар сифатидаги муҳим усул ҳам айнан яхши кадрни тайёрлаш, парварилаш ва халққа хизмат қилдиришдир.

Азиз Оппоқовичнинг ажойиб фазилатларидан яна бири у кишининг китобга ошнолигидир. Шароф Рашидов, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Анна Ахматова, Комил Яшин, Сайхонзада, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар ҳақида суҳбат кетса, улар тўғрисида соатлаб гапирари, шейрларидан ёд ўқийди. Уйларида борсангиз, гўё кичик кутубхонага киргандек бўласиз. Китоб жавонлари ўзбек, рус, тожик, қозоқ, арман, озарбайжон, қирғиз, туркман ва бошқа чет миллат вакилларига мансуб адиблар асарлари билан тўлган.

– Бу китобларни умрим давомида йиғганман, – дейди Азиз ака. – Деярли ҳаммасини оила аъзоларимиз билан мутолаа қилганимиз. Китоб олгандан кейин у ўқилиши керак. Китобни сотиб олаверсангиз ўқимасангиз кутубхонангиз китоблар мазорига айланади.

Устозимиз Азиз Оппоқович билан ҳаммиса фахрланамиз. У киши ишлаган йиллар ўзбек адабиёти, санъати, маданиятининг гуллаган даври бўлган, десак янглишмаймиз.

Азиз Оппоқович қайси лавозимда бўлмасин, у кишининг асосий аъмоли – одамийлик, инсон бўла олиш, энг муҳим фазилати эса – ҳалоллик, тўғрисиқлик, Ватанга садоқат бўлган.

Катта халқ, улғу миллатга эса Азиз ака Тўраев каби нодир фарзандлар ҳали кўп керак бўлади.



“Toshkent Mintaqa” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога O'zbekiston Respublikasi "Issiqlik elektr stansiyalari" aksiyadorlik jamiyati, Toshkent "Issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyatining va 2021 йил 9 июндаги 02-30/1719-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар Toshkent "Issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyati гаражидида сақланаётган қуйидаги мулк қўйилмоқда:

1982 йилда ишлаб чиқарилган "Тепловоз" русумли темир йўл транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 161 784 640 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 19 июль куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: савдо ўтишидан бир кун аввал, соат 16.00 гача.

Темир йўл транспорт воситаси 2021 йил 19 июль куни

сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 26 июль, 2 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати савдо ўтишидан бир кун аввал.

Савдо ғолибига 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 4053 6301 3002 "Капиталбанк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01136 СТИР 308 305 364.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел.: 71-233-28-52, 97-155-08-21, 90-971-20-00.

965941 рақамли гувоҳнома.

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

“Ko'chmas mulk savdo xizmati”

МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига, "DD General insurance" МЧЖнинг 2021 йил 15 июндаги 01/468-сонли буюртномасига асосан Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 12-уйнинг 2-қаватида жойлашган жами майдони – 105,5 квадрат метрдан иборат бўлган 5-сонли дўкон баҳоси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 387 400 000 сўмлик.

Аукцион савдо 2021 йил 16 июль куни соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўрта-риқ кўчаси, 11/2-уй манзилида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қили-

нади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, 2021 йил 15 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишуви асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko'chmas

mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топишгунга қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2049 2060 9001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўрта-риқ кўчаси, 11/2-уй.

Тел.: 95-199-12-21, 95-195-12-21.

Е-mail: ko'chmasmulk@mail.ru

Расмий веб-сайт: www.kmsx.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001-сонли лицензия.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога "Svetlana-Kredit" МЧЖнинг 2021 йил 15 июндаги 51-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2021 йил 3 май, 8 июндаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ависозлар-2 кўчаси, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўм
1.	4905	Цепь 583 пр. о/в 26,89 гр; часы "Заря" 583 пр. о/в 20,81 гр.	14 222 950,00
2.	4957	Цепь 583 пр. о/в 19,27 гр.	6 072 250,00
3.	5120	Серьги 583 пр. о/в 6,82 гр.	1 981 750,00
4.	5181	Браслет 583 пр. о/в 4,15 гр; серьги 583 пр. о/в 5,57 гр; Серьги 583 пр. о/в 2,40 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,57 гр.	5 163 250,00
5.	5205	Кольцо 583 пр. о/в 1,73 гр.	648 550,00
6.	5210	Кольцо 583 пр. о/в 6,24 гр.	2 057 500,00
7.	5216	Кулон 583 пр. о/в 1,26 гр; кулон 583 пр. о/в 1,23 гр.	921 250,00
8.	5284	Серьги 583 пр. о/в 2,26 гр; кулон 583 пр. о/в 2,37 гр; кольцо 583 пр. о/в 4,31 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,72 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,32 гр.	5 087 500,00
9.	5295	Кольцо 583 пр. о/в 2,97 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,32 гр.	2 254 450,00
10.	5305	Цепь 583 пр. о/в 4,87 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,03 гр.	2 254 450,00
11.	5335	Серьги 750 пр. о/в 5,18 гр; серьги 583 пр. о/в 3,23 гр.	3 314 950,00
12.	5384	Браслет 585 пр. о/в 3,17 гр; цепь 585 пр. о/в 4,01 гр; браслет 585 пр. о/в 12,36 гр.	7 511 500,00
13.	5400	Серьги 583 пр. о/в 4,62 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,74 гр.	1 133 350,00
14.	5409	Цепь 583 пр. о/в 4,47 гр; кулон 583 пр. о/в 1,54 гр.	2 042 350,00
15.	5465	Кольцо 583 пр. о/в 2,27 гр.	815 200,00
16.	5534	Кольцо 583 пр. о/в 3,45 гр.	1 224 250,00
17.	5540	Кулон 583 пр. о/в 3,84 гр.	1 390 900,00
18.	5542	Серьги 583 пр. о/в 5,41 гр.	1 678 750,00
19.	5546	Цепь 583 пр. о/в 20,40 гр.	7 890 250,00
20.	5555	Серьги 585 пр. о/в 5,71 гр.	2 178 700,00
21.	5568	Серьги 583 пр. о/в 2,54 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,54 гр.	1 566 650,10
22.	5661	Кольцо 583 пр. о/в 5,86 гр.	1 375 750,00
23.	5687	серьги 583 пр. о/в 5,67 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,01 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,20 гр.	3 799 750,00
24.	5696	Серьги 583 пр. о/в 8,11 гр.	2 830 150,00
25.	5697	Серьги 583 пр. о/в 1,26 гр.	466 750,00
26.	5740	Кольцо 750 пр. о/в 6,46 гр; серьги 583 пр. о/в 8,23 гр.	4 814 800,00
27.	5761	Кольцо 583 пр. о/в 4,78 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,69 гр.	1 830 250,00
28.	5794	цепь 583 пр. о/в 3,45 гр.	1 345 450,00
29.	5891	Кольцо 583 пр. о/в 2,55 гр; серьги 583 пр. о/в 4,74 гр; перстень 583 пр. о/в 3,98 гр.	3 890 650,00
30.	5900	Серьги 583 пр. о/в 1,85 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,35 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,83 гр; серьги 583 пр. о/в 1,81 гр.	3 118 000,00
31.	5913	Серьги 583 пр. о/в 5,36 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,29 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,78 гр.	3 299 800,00
32.	5916	Цепь 583 пр. о/в 8,09 гр.	3 148 300,00
33.	5958	Цепь 583 пр. о/в 8,46 гр; кольцо 583 пр. о/в 6,55 гр; кулон 583 пр. о/в 3,99 гр.	6 344 950,00
34.	6020	Браслет 583 пр. о/в 8,01 гр; цепь 583 пр. о/в 8,74 гр.	6 481 300,00
35.	6116	Серьги 583 пр. о/в 3,84 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,26 гр.	1 784 800,00
36.	6119	Серьги 583 пр. о/в 1,68 гр.	663 700,00
37.	6127	Цепь 583 пр. о/в 7,26 гр; серьги 583 пр. о/в 4,60 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,65 гр.	5 163 250,00
38.	6207	Кольцо 583 пр. о/в 1,90 гр.	466 750,00
39.	6212	Серьги 583 пр. о/в 1,87 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,29 гр; Кольцо 583 пр. о/в 2,05 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,88 гр.	2 284 750,00
40.	6230	Кольцо 583 пр. о/в 1,28 гр.	512 200,00
41.	6298	Кольцо 583 пр. о/в 1,99 гр.	709 150,00
42.	6332	кольцо 583 пр. о/в 5,00 гр.	1 936 300,00
43.	6365	Кольцо 585 пр. о/в 20,87 гр; браслет 585 пр. о/в 11,87 гр; Серьги 583 пр. о/в 4,89 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,10 гр.	15 616 750,00
44.	5873	Цепь 583 пр. о/в 5,18 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,03 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,17 гр.	3 279 101,06
45.	6012	Кольцо 583 пр. о/в 1,04 гр.	359 617,28
46.	6058	Кольцо 583 пр. о/в 3,13 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,68 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,29 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,79 гр.	3 120 004,85
47.	6068	Серьги 583 пр. о/в 2,72гр; серьги 583 пр. о/в 3,71 гр.	2 081 588,50
48.	6132	Серьги 585 пр. о/в 4,10 гр.	1 304 848,00
49.	6161	Серьги 583 пр. о/в 2,15 гр.	591 617,31
50.	6380	Серьги 583 пр. о/в 2,65 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,05 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,13 гр.	1 905 060,70
51.	6432	Кольцо 583 пр. о/в 2,07 гр.	506 675,30
52.	6433	Серьги 583 пр. о/в 5,61 гр.	1 252 752,20
53.	6475	Цепь 585 пр. о/в 9,09 гр; серьги 583 пр. о/в 3,79 гр.	4 784 500,00
54.	6496	Кольцо 583 пр. о/в 1,71 гр.	603 100,00
55.	6520	Браслет 583 пр. о/в 1,63 гр.	527 350,00
56.	6543	Браслет 583 пр. о/в 1,10 гр; серьги 583 пр. о/в 2,42 гр; серьги 583 пр. о/в 1,46 гр; серьги 583 пр. о/в 0,87 гр; кольцо 583 пр. о/в 4,84 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,89 гр.	5 011 750,00
57.	6569	Серьги 583 пр. о/в 4,80 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,15 гр.	1 890 850,00
58.	6658	Серьги 583 пр. о/в 4,37 гр.	1 224 250,00
59.	6682	Кольцо 583 пр. о/в 1,18 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,34 гр.	1 527 250,00
60.	6692	Серьги 583 пр. о/в 3,85 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,16 гр.	2 133 250,00
61.	6728	Кольцо 583 пр. о/в 2,81 гр.	860 650,00
62.	6738	Кольцо 583 пр. о/в 1,81 гр.	466 750,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўм
63.	6766	Часы "Ракета" 583 пр. о/в 42,32 гр.	7 132 750,00
64.	6791	Цепь 583 пр. о/в 20,18 гр; браслет 583 пр. о/в 9,97 гр; серьги 583 пр. о/в 3,93 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,87 гр; кольцо 583 пр. о/в 6,37 гр.	16 374 250,00
65.	6805	Кулон 583 пр. о/в 4,07 гр; серьги 583 пр. о/в 7,41 гр; серьги 583 пр. о/в 1,29 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,65 гр.	4 860 250,00
66.	6829	Кольцо 583 пр. о/в 7,30 гр.	2 830 150,00
67.	6835	Кольцо 583 пр. о/в 2,42 гр; кольцо 375 пр. о/в 1,37 гр.	1 224 250,00
68.	6838	Серьги 583 пр. о/в 6,16 гр.	1 527 250,00
69.	6857	Кольцо 583 пр. о/в 2,12 гр.	663 700,00
70.	6876	Цепь 583 пр. о/в 3,99 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,13 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,33 гр.	3 345 250,00
71.	6889	Цепь 583 пр. о/в 2,02 гр.	800 050,00
72.	6959	Серьги 583 пр. о/в 5,48 гр.	1 966 600,00
73.	6966	Цепь 583 пр. о/в 6,91 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,31 гр.	3 287 680,00
74.	6971	Кольцо 750 пр. о/в 9,55 гр.	4 557 250,00
75.	6979	Кольцо 583 пр. о/в 2,76 гр.	1 042 450,00
76.	7017	Кольцо 583 пр. о/в 4,96 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,25 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,11 гр.	2 708 950,00
77.	7094	Серьги 750 пр. о/в 12,34 гр; кулон 750 пр. о/в 7,96 гр; кольцо 750 пр. о/в 7,62 гр.	13 344 250,00
78.	7118	Кольцо 583 пр. о/в 1,77 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,47 гр.	769 750,00
79.	7133	Кольцо 583 пр. о/в 4,37 гр.	1 527 250,00
80.	7145	Кольцо 583 пр. о/в 3,01 гр.	1 057 600,00
81.	7172	Кольцо 583 пр. о/в 2,89 гр.	860 650,00
82.	7174	Перстень 585 пр. о/в 2,59 гр.	997 000,00
83.	7213	Кольцо 583 пр. о/в 2,82 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,30 гр; кулон 583 пр. о/в 0,89 гр.	2 133 250,00
84.	7221	Браслет 583 пр. о/в 3,69 гр.	769 750,00
85.	7260	Серьги 583 пр. о/в 5,35 гр.	2 042 350,00
86.	7275	Кольцо 583 пр. о/в 4,41 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,95 гр.	2 360 500,00
87.	98	Серьги 583 пр. о/в 3,69 гр.	815 200,00
88.	101	Браслет 585 пр. о/в 8,09 гр.	3 133 150,00
89.	106	Серьги 583 пр. о/в 5,18 гр.	1 678 750,00
90.	118	Кольцо 583 пр. о/в 4,58 гр.	1 678 750,00
91.	141	Серьги 583 пр. о/в 7,33 гр; кольцо 583 пр. о/в 5,18 гр.	2 981 650,00
92.	191	Серьги 583 пр. о/в 3,09 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,25 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,06 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,07 гр; серьги 375 пр. о/в 3,29 гр.	2 269 600,00
93.	279	Кольцо 583 пр. о/в 10,26 гр; кольцо 583 пр. о/в 9,75 гр; кольцо 583 пр. о/в 6,35 гр.	8 193 250,00
94.	281	Кольцо 583 пр. о/в 3,18 гр.	1 042 450,00
95.	320	Цепь 583 пр. о/в 9,51 гр.	1 527 250,00
96.	391	Кольцо 583 пр. о/в 5,97 гр; серьги 583 пр. о/в 7,27 гр.	4 254 250,00
97.	398	Кольцо 583 пр. о/в 1,19 гр.	421 300,00
98.	415	Серьги 583 пр. о/в 4,17 гр.	1 481 800,00
99.	450	Серьги 583 пр. о/в 3,55 гр.	921 250,00
100.	455	Серьги 585 пр. о/в 7,36 гр.	2 284 750,00
101.	463	Серьги 583 пр. о/в 4,33 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,36 гр.	2 739 250,00
102.	571	Серьги 583 пр. о/в 4,82 гр; кольцо 583 пр. о/в 5,41 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,77 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,13 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,55 гр; серьги 583 пр. о/в 1,41 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,37 гр.	7 511 500,00
103.	587	Цепь 585 пр. о/в 2,80 гр; кулон 583 пр. о/в 1,35гр.	1 527 250,00
104.	592	Кольцо 583 пр. о/в 2,94 гр.	1 148 500,00
105.	613	Серьги 583 пр. о/в 3,31 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,67 гр.	1 769 650,00
106.	622	Цепь 583 пр. о/в 7,76 гр; браслет 583 пр. о/в 11,84 гр; браслет 583 пр. о/в 13,21 гр; серьги 583 пр. о/в 5,56 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,42 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,15 гр.	15 768 250,00
107.	623	Серьги 583 пр. о/в 8,67 гр; серьги 583 пр. о/в 3,59 гр; серьги 583 пр. о/в 3,90 гр; серьги 583 пр. о/в 5,83 гр; кулон 583 пр. о/в 2,55 гр; кольцо 583 пр. о/в 5,06 гр; перстень 583 пр. о/в 3,66 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,50 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,14 гр; кольцо 583 пр. о/в 2,68 гр; кольцо 583 пр. о/в 3,60 гр.	16 071 250,00
108.	656	Кольцо 583 пр. о/в 2,80 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,84 гр.	1 724 250,00
109.	663	Кольцо 583 пр. о/в 3,53 гр.	1 375 750,00
110.	727	кольцо 583 пр. о/в 3,08 гр.	1 209 100,00
111.	759	Серьги 583 пр. о/в 2,31 гр.	739 450,00
112.	774	Браслет 583 пр. о/в 2,26 гр; кольцо 583 пр. о/в 4,77 гр; Кольцо 583 пр. о/в 2,88 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,72 гр.	4 102 750,00
113.	775	Серьги 583 пр. о/в 4,65 гр; кольцо 583 пр. о/в 5,24 гр; кольцо 583 пр. о/в 4,01 гр.	4 223 950,00
114.	776	Цепь 583 пр. о/в 9,76 гр; кольцо 583 пр. о/в 1,36 гр.	4 314 850,00

Жами бошланғич баҳоси

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ диққатига!

Автосарой ўзгарди, хизмат сифати-чи?

ҳайдовчиларнинг муомаласи ва маънавиятини ким ўзгартиради?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юқумли хасталиклар тўғрисида гап кетса, биринчи гада, “COVID-19” “бошга битган бало бўлди” дейиш одат тусига айланди. Чунки у 19 ойдири, жаҳон ахлининг тинчини бузаяпти, кўплаб инсонларнинг умрига завоҳ бўлди. Аслида эса, ундан сақланишнинг тартиб-қоидаларига амал қилмаётганлар дард устига чипқон бўляпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, дунёда коронавирус инфекциясини юқтирганлар сони 175 миллион кишидан ортибди. Шундан 104 мингдан зиёда юртимиз ҳиссасига тўғри келмоқда. Хасталик чуқур идига отмаслиги учун фуқароларимиз соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишлари лозимлиги буйича давлатимиз барча чораларни кўряпти. Аммо Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг кундалик маълумотига назар ташласангиз, бу борада ўшш бору камайиш анча сустлигини кўрасиз. Аҳвол нега шу ҳолатдалиги ва бунга нималар сабаб бўлаётгани тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

ришим керак” деган баҳонани қилади. Бу эса йўловчиларнинг вақтини олгани учун ҳақли эътирозларни келтириб чиқармоқда, – деди Мирҳамид Раҳимов.

Гап, ҳайдовчи ва йўловчилар тўғрисида бораркан, яна бир фуқаронинг таъкидлашича, Янги ҳаёт ҳамда Сергели туманларида яшовчиларнинг аксарияти иш ва ўқишга қатнаш учун асосан ана шу транспорт хизматидан фойдаланади. Пандемия шароитига қарамадан ҳайдовчилар салонга одам сонини кўпайтиришни, истаган жойда тўхтаб йўловчи олишни, дўкonga кириб бемалол бирор егулик ёки тамаки харид қилишни одатга айлантиришган. Буниси камдай, транспорт воситалари гажум шаҳарда телефон орқали бир-бирлари билан қайси бекатга келгани, бироз секинроқ ёки тезроқ ҳайдашни сўзлашади.

Яна бир ҳолат, шу йўлда юраётган 57, 38 ва 18-автобуслар бекатларга биргаликда яқинлашиб қолишса борми, салондаги йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳайдовчиларни қизиқтирмайди, тезроқ бекатга кириб, йўловчини ўз машинасига чиқаришни кўзлаб, бир-бирларидан қизғаниб, ким ўзарга пойга ўйнашади. Энди ўзингиз ўйланг, йўловчиларнинг ўз манзилларига соғ-саломат етиб олишлари таъминлашга масъул ҳайдовчи бир қўли рўлда, иккинчиси эса телефондан бўшамаса, бундай вазиятда бирор кун-



Мақола аввалида ушбу фикрларни келтиришимизнинг боиси бор. Гап шундаки, ҳар кун аксарият фуқаролар жамоат транспортларидан фойдаланади. Автобус, метро ёки бошқа шу кабиларда, жамоат жойларида ниқоб тақши, оралик масофани сақлаш ва тозалликка қатъий риоя этиш буйича соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари кунора оғоҳлантириб туришибди. Зеро, ҳозирча фанга номаълум бу дардинг тўлиқ давосига аниқлик киритилгунча, ҳеч бўлмаса эслатиб турилган қоидаларга ҳар биримиз амал қилсак, бу ҳам касалликнинг олдини олишга қўйилган қадам бўлиши мумкин.

Лекин энг аввало, ўзимиз ва ён-атрофдагиларнинг саломатлиги учун зарур бўлган қоидаларни бажариши “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга қарашли “Дўстлик-2–Экскаватор заводи” йўналишида қатновчи 58-автобус ҳайдовчилари ҳамда чиптачиларига тааллуқли эмасдек гўё. Негаки, биринчи гада улар ниқоб тақиб, автобуснинг ички тозаллигига амал қилиш, йўловчиларни ҳам шу тартибни бажаришга ундаш ўрнига ўзлари риоя этмаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ушбу автобус йўналиши пойтахтимизнинг тўртта тумани орқали 22,3 километр масофада 40 та бекатда тўхтаб, 63 минутада охириги манзилга кириб бориши керак. Айтишларича, йўналишда кунга 18 тага яқин уловлар 10-15 минутдан оралик масофани сақлаган ҳолда қатнаши лозим. Бироқ автосарой маъмурияти белгилаб берган бу тартиб фақат қоғоздан жой олган холос. Йўналишда доимий юрадиган фуқароларнинг фикрлари бунга мисол бўла олади.

– Ишхонам шаҳар марказидаги боис салкам қирқ йилдан буён Сергели туманидан Экскаватор заводига автобусда қатнайман. Бирор марта ҳам у ўз вақтида охириги бекатга етиб бормайди. Бир пайтлар шариотлари йўқ, алми соқдан қолган вагон автобусларда ҳам қатнаганмиз. Давлатимизга раҳмат, янги техникаларни ишлаб чиқариб аҳолига қўлай шариотлар яратди. Шуларга шукр қилиш ўрнига, айрим ҳайдовчилар йўналишда тартибни бузиб, белгиланган бекатдан ташқари истаган жойда тўхтаб, одам чиқаради ёки туширади. Сергели ярмаркаси, “Дехқон бозори”, Жанубий вокзал, “Ойбек” метроси, собиқ “Россия” меҳмонхонаси сингари бекатларда 5, ҳатто 7 минутгача тўхтаб одам тўплайди. Куннинг иссиғида димиққанлар ҳайдовчидан ушбу ҳолатга изоҳ сурашса, “Менга кунлик план берилган, уни бажар-

гилсиз воқеа келиб чиқмаслигига ким кафолат беради? Бу буйича айрим ёши катталар оғоҳлантириб, танбех беришмоқчи бўлса, ҳайдовчи унинг гапига эътибор ҳам бермайди.

Шу йўналиш “мижозлари”нинг айтишларича, яқинда 58-автобус 12-автосаройдан 4-автосаройга ўтказилди. Саройлар янгилангани билан ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам, йўловчилар эътирозларини келтириб чиқараётган ҳолатлар ва уларнинг муносабати-ю муомала маданияти ҳам ўзгаргани йўқ. Аксинча, аввалгидан бешбаттар аҳволда.

Мақоламизни коронавирус инфекциясини юқтирмастик учун белгиланган қоидаларга риоя этиш лозимлиги билан бошлагандик. Бу борада Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, транспорт воситалари, маҳаллалар, кўчаларда, аҳоли гажум бўладиган тўйхона ҳамда кўнгилочар жойларда карантин қоидаларининг энг асосийси ҳисобланган ниқоб тақиб юриш жиддий назоратга олинди. Ҳатто бу тартибга амал қилмаганлар аввал оғоҳлантирилиб, сўнг жаримга тортилмоқда. Катта автошоҳбекатлар, автобусларнинг салонлари бир кунда бир неча марта махсус воситалар билан дезинфекцияланди. Лекин кейинги пайтда эътибор сусайгани туфайли бу ҳаракат ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бундай аҳволни кўриб, ўйлаб қолсан киши. Аслида ўзимизнинг соғлиқ ва саломатлигимиз учун ўзимиз қайғуришимиз, юқумли хасталикни юқтирмастикка ҳаракат қилишимиз керак эмасми? Бунинг учун ҳам ҳукуматнинг қарорлари-ю фармойишлари бўлиши лозимми?

Бугун исталган йўналишдаги автобусга чиқсангиз, айтилик салонда 40-50 нафар йўловчи бўлса, уларнинг 15 таси ниқоб таққан, айримлари эса “текшириб қолишса, кўрсатаман” деган маънуда ниқобни биланга тақиб олган. Шоҳбекатлар, метронинг кириш-чиқиб йўлакларини дезинфекциялашга бириктилган шахслар ҳозирча бажариши лозим бўлган вазифасини унутганга ўхшайди. Чунки бу жойларда уларни учратмайсиз. Бундай вазиятни кўрганда ҳақли бир савол туғилади: коронавирус балоси таъкиб қилиб турган пайтда юқрида қайд этилган ҳолатлар билан унинг олдини олиб бўладими? Уйлаймизки, бу масалада барча фуқаролар, айниқса, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхонаси ва бошқа ташкилотлардаги мутасаддилар жиддий тўхтама қелишади. Таҳририят эса бу мавзуга яна қайтади.

Светофор бор-у, пешеход йўқ – нима қилай?

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Нега йўллар борлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нега маиший ҳаётимизда масофаларни ошиб ўтишимиз учун айнан “йўл”ни кашф қилдик? Нега интидорий одам манзилига етиш учун айри бир гойиб, ғайрируҳий астро воситаларни кашф эта олмади?

Чунки уларнинг имкониятлари табиат билан чамбарчас боғлиқ эди. Икки оёғи ва ошиб ўтиши учун сертупроқ доволар, чўллар ёки водийлар бор эди. Айни шу пайтда “йўл” кашф қилинди. Бугунги кунга келиб эса, йўллар том маънода пиёда ва транспорт муносабатларидан иборат алоҳида бошқарув шаклига эга тизимга айланди. Эндиликда замонавий йўллар доимий эътиборни талаб этмоқда. Аммо кунора йўл талаблари ва тартибларидан четда қолган кўча қисмларига дуч келямиз. Шулардан бири пиёдалар ўтиш йўлакларидир.

– Утамизми? – деди ўткинчилардан бири шеригига.

– Пешеход йўқ-ку!

– Кўрмайсизми? Светофор яшил ёниб турибди!

Уловлар ҳаракатланишдан тўхтади. Қарасам, йўлнинг нариги бўлагига светофор чирогой ёниб турибди. Кейин атрофдаги йўловчилар гурра йўлдан ўта бошлади. Мен ҳам чорраҳани кесиб ўтдим.

“Келес–Чорсу” йўналишида ҳаракатланган уловлардан бирига чиқиб қолдим. Эски Жўва бозори юқорисидан айни шу йўналишдаги транспорт воситалари тўхтайдиган автотураргоҳ сари юрсангиз, доимий “пробка” бўлиб турадиган Сақимон ва Зарқайнар кўчалари кесишмасидаги чорраҳага чиқасиз. Ушбу йўл қисмида ҳар сонияда чунонам автомобиль йўғиладики, натижада пиёдаларга ноқулайлик туғилади.

Халқ тилидаги “Ганга” ва “Хадра” майдонларидан юраётган автомобиль оқими, айни шу кесишмада қарши Эски шаҳар хунармандлари кўчаси ва Олмазор тумани томондан келаётган уловлар билан йўл алмашади. Оқибатда ўртада уловларнинг “пробка”си ҳосил бўлади. Мазкур бўлинган йўлнинг икки ёқасига ҳам светофор ўрнатилган бўлиб, энг қизиқ ҳолатга айнан ўша ерда дуч келасиз. Чунки йўлнинг икки ёқасига светофор ўрнатилган эса-да, пиёдалар ўтиш йўлакчаси чизигини кўрмайсиз.

Йўл ва пиёдалар ўтиш йўлаклари муаммоси пойтахтнинг эски камчиликларидан ҳисобланади. Шаҳарнинг бошқа қисмларида ҳам бу каби вазиятни учратиб мумкин. Масалан, Мир-



зо Улуғбек тумани Яланғоч даҳасига қарашли “Шаҳриобод” кўчасида бунга яққол кўраимиз. Массивда битта маҳаллий ва битта хорижий олий таълим муассасаси, касб мактаби, хусусан, ўрта мактаб жойлашган. Бу эса кўчада ўқувчи ва ўткинчиларнинг кети узилмаслигига сабаб бўляпти. Йўлакларнинг сифати талабга жавоб бермайди. Қолаверса, атрофида олий таълим масканлари ва бир қанча мактаблар жойлашган кўчанинг пиёдалар ўтиш қисмларида светофорлар ўрнатилмаган. Бу вазиятда ҳайдовчи ва

пиёда ўртасида муаммоли ҳолатлар учраяпти. Аслида, кўп полсалли йўлларда назорат қилинмайдиган (светофорсиз) пиёдалар ўтиш йўлакларини қуриш мумкин эмас. Агарда йўлда бир йўналишда биттадан ортиқ полса бўлса, ўтиш йўлга олдида албатта светофор туриши керак.

– Йўл ва кўчаларни таъмирлаш реализацияси эътибор ва сифатни талаб этади, – деди “Ўз-йўлбелги” ДУК директор ўринбосари Шукрулло Асатов биз билан сўхбатда. – Мавсумлар оралигида пойтахтимиздаги йўл чизикларининг ҳолати ўрганилади. Бизнинг корхонамизга одатда бу борада кўплаб буюртма ва талаблар келиб туради. Шунга кўра, йўл ва кўчалардаги турли белги ҳамда йўлакчалар қайта таъмирланади.

Афсуски, мамлакатимизда қиш совуқ, ёз эса иссиқ келади. Бу эса йўлларнинг сифат даражаси пасайишига сабаб бўлади.

Албатта, кўча ва йўлларда улов ҳаракатланишининг ортгани билан йўлларнинг ташқи кўринишида тусланиб, кўчиш ёки ҳаракатланиши тартибга солувчи йўл чизикларида унқиш каби ҳолатлар юзага келиши мумкин. Аммо автомобилларнинг гажумлашаётгани билан атрофда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг сони камайиб қолмаяпти. Йўл ҳаракатида пиёдаларнинг ўзи ўрни бора ва улар ушбу ҳаракатнинг ажралмас бўлагидир. Дунё тажрибасида пиёдалар йўлакларини, тротуарлар чизишда классик бўёқлар ўрнига ҳар қандай ҳаво шартларига чидамли хомашёлардан фойдаланилмоқда. Хусусан, термопласт

маҳсулотлари бу ўринда энг кўп қўлланилаётган ресурслардандир. Мазкур элемент махсус қоришма ёки маълум миқдордаги иссиқлик ёрдамида суяқ бўёқ ҳолига келтирилмоқда. Бу бўёқлар кўча ва йўл юзаларидаги турли ишорат белгиларига ишлатилса, оғир об-ҳаво шароитларида ҳам ўз бардошлилигини кўриди. Чунки суяқ термопласт тезда қаттиқ ҳолатга келади. Бу хил тротуар, полса ва пиёда йўлакларини йўл ҳаракати қатнашчиларига узоқ йиллар давомида хизмат қилади.

Бозор эмас, дилозор...

Севара РЎЗМЕТОВА,
Меҳрибон ИСМОЙЛОВА,
журналистлар.

Миллий услубда барпо этилаётган бозорлар шаҳар ва қишлоқларимиз кўрмига қишқоқ бағишлаяпти. Харидор ва сотувчилар учун яратилаётган қўлайликлар эса савдо хизмати маданиятини юксалтирмоқда.

Бозорларнинг ободлиги, маҳсулотлар мўл-кўллиги, нарх-навонинг арзонлиги мамлакатимизда иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омилдир. Аммо барча бозорларда ҳам шарт-шароит яратилганми? Савдо манзилларида санитар ҳолат қандай? Ушбу саволларни дилга туғиб, Хонқа туманидаги “Хонқа дехқон бозори” МЧЖ томон йўл олдик. Бу жойдаги илк манзара – машиналар тирбандлиги бўлди. Мазкур ҳолат буйича йўловчиларнинг фикри билан қизиқдик.

– Ҳар кун аҳвол шун, бозор эмас, дилозор бу ер. Автотураргоҳ йўқлиги учун ҳамма машинасини йўл четига қўйиб кеттаверади. Бетартиб қўйилган уловлар орасидан ўтишининг азобини айтмасан ҳам бўлади, – дея изоҳ берди йўловчилардан бири. Бу ҳолат ён-атрофдаги бошқа йўлларда ҳам автомобиллар ҳаракатида тирбандликка сабаб бўляпти.

Бозорда сотувчи ва харидорлар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Йўлаклар ўзбошимчалар билан савдо нуқтасига айлан-тирилгани сабабли харидорлар ўтиб-қайтишга қийналади,

савдо расталари қурилмагани учун одамлар маҳсулотини ўзи биланча ерга қўйиб сотмоқда.

– Бозоримиз эскилиги учун замон талабларига жавоб бермай қолган, – дейди хонқалик харидор Р. Жуманиёзова. – Павильонлар эскириб, сувоклари кўчиб кетган. Бундай ҳолат санитария талабларига жавоб бермайди. Тадбиркорлар эса дуч келган жойга энгил конструкцияли дўконларни қуриб ташлаган.

Бозордаги “Бунёдкор эксклюзив” МЧЖ паррандачилик фермасига қарашли арзонлаштирилган маҳсулотлар савдо шохбасидамиз. Маҳсулотлар сақланмаган музлаттич ишланмас экан. Узини Мухайё Раҳимова дея таништирган сотувчидан сабабини сўрасак:

– Маҳсулотларимиз тез туғаб қолади, музлаттичда сақлашга ҳожат йўқ, – дея изоҳ берди. Дўконда эса гўшт маҳсулотлари қопга солинган ҳолда, гигиена талабларига жавоб бермайдиган, ишланмайдиган музлаттичда сақланаётганини кўрдик. Ёз фаслида тез айнидиган маҳсулотларнинг бундай ҳолатда сақланиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилмасмикан?! Тухум ва маҳсулотлар ҳам иссиқда сақланаётганига нима дейсиз?!

Бундан ташқари, ҳаво ҳарорати юқори пайтда бозор худуди мuddати ўтган яроқсиз мева-чеваалар, сабзавот маҳсулотларидан иборат чиқиндиларга тўлиб ётганини қандай изохлаш мумкин?

Бозорда юзага келган шу сингари муаммоларга Хоразм вилояти ва Хонқа тумани мутасаддилари қандай қарашар экан?!

Тадбиркорнинг ҳаракатидан аҳоли миннатдор

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўрта қишлоғлик тадбиркор Жасурбек Ғуломовнинг қилган саъй-ҳаракатидан бувайдалиқлар миннатдор бўлишмоқда. Боиси у Бувайда қишлоғи марказидаги қаровсиз қолган худудни ободонлаштириб, ўз ҳисобидан 4 млрд сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, “Ёшлар меҳнат гузари”ни қуриб, фойдаланишига топширди. Шунинг баробарида 47 нафар ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Қисқа вақт ичида бу ерда кўр-на кам савдо мажмуаси, кутубхона ва китоб дўкони, кафе, компьютер хизмати, фитнес клуб, аёллар ва эркеклар салонлари, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи каби кўплаб хизматлар йўлга қўйилди.

Ёш тадбиркорлардан яна бири – “Бувайда Савдо Гранд” МЧЖ

рахбари Анваржон Насимов Бувайда қишлоғида тўйхона ва савдо дўконлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун янги бино қуриш ҳамда жамият худудидаги эски омбор биносини қайта мукамал таъмирлаб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлаттичга мослаштирилган биноларни қуриб берди.

МТТ қайта таъмирланди

Гулноза ҚУРБОНОВА,
ЎзДҲТУ талабаси.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 80-сонли “Шаршара” давлат мактабгача таълим ташкилоти 1977 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур муассаса 360 ўринга мўлжалланган.

Давлат дастури буйича жорий йилда ушбу кичиктойлар масканида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада боғча

беғубор болаларга ўзгача кўтаринки руҳ бағишловчи декорациялар уйғунлашган ҳолда қайтадан чирой очди. Ҳозирда бу ерда 315 нафар бола таълим-тарбия олмақда.

– Реконструкция натижасида муассасамиздаги 12 та гуруҳдан 3 таси тўлиқ янгиланди, – дейди МТТ директори Гулчехра Зоҳидова. – Иккита гуруҳ хоналари эса тубдан капитал таъмирланди. Таъмирлаш ишларининг замонавий ва сифатли бўлишига 30 га яқин қурувчилар жонбозлик кўрсатишди. Шунингдек, давлатимиз томонидан мазкур қурилиш ишларига етарлича сармоа киритилди.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Асакабанк” АЖ Самарқанд вилояти филиалининг 2021 йил 17 июндаги 14/3234-сонли буюртманомасига асосан, “Асакабанк” АЖ Самарқанд вилояти филиалининг Самарқанд шаҳри, “Кўк сарой” майдони, 7-уйда жойлашган бино ҳовлисида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 220 GAA бўлган “Nexia” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 35 386 650 сўм.

2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 616 ZAA бўлган “Lasetti” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 73 060 650 сўм.

3. 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 790 RAA бўлган “Nexia 2 DOHC” русум-

ли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 63 631 800 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 19 июль кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати:** 2021 йил 16 июль кунин соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 19 июль кунин сотилмаган тақдирда тақририй савдо 2021 йил 4, 20 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақририй савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси

тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақаминга тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Тел.: 71-237-23-86.
001805 рақамли гувоҳнома.

Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, мамлакатимизда Тошкент курилиш коллежиди Россиянинг Технониколь Халқаро компанияси Курилиш академиясининг ҳамкорликдаги қўшма ўқув маркази очилди. Хўш, марказнинг юртимиздаги фаолияти қандай бўлади? Умуман, ушбу компания ҳақида нималарни биламиз?

Бугун битта хунарни эгалладим ёки тўрт йил ўқиб кўйдим-ку, дейиш билан иш битмайди. Шиддатли тараққиёт ҳар бир соҳа ходимидан янги билимлар ва халқаро тажрибани ўрганишни талаб қилмоқда. Ушбу марказ ҳам қурувчилар, муҳандислар, меъморлар, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда назорат органлари вакилларига замонавий технологиялар ва қурилмалардан фойдаланишда янги касбий маҳоратга эга бўлишни ўргатади. Ўқув марказининг очилиш маросимида сўзга чиққан компания вице-президенти Евгений Войлов ҳам "Биз ўқувчиларга юқори халқаро стандартларга мувофиқ ишлашни ўргатамиз. Марказда ўқиган мутахассислар тажрибаларини турли мамлакатларда таъбиқ этишларига ишонамиз", дея бежиз таъкидламаганди.

Технониколь – бу сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва малакали мутахассисларни етиштириб берувчи етакчи халқаро компаниялардан биридир. Ушбу компания қурилиш бозорини ўзининг илмий марказлари ва илгор жаҳон тажрибасини бирлаштирадиган энг янги технологиялари билан забт этиб,

ТЕХНОНИКОЛЬ ЭНДИ ТОШКЕНТДА



3000 турдаги маҳсулот билан таъминлаб келмоқда. Компания дунёнинг 7 мамлакатда 55 та ишлаб чиқариш заводи (Россия, Беларусь, Литва, Италия, Буюк Британия, Германия, Польша) ҳамда юқори технологияли ускуналар ва малакали кадрлар билан таъминланган 6 та илмий марказга эга. Марказлар қурилиш соҳасининг янги маҳсулотларини доимий равишда ривожлантириш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Дунёнинг 18 та давлатида 22 та ваколатхонасига эга бўлган компания маҳсулотлари 115 та мамлакатга экспорт қилинади.

Янги очилган марказда дарсларни Технониколь Қурилиш академияси ўқитувчилари, кўп йиллик амалий тажрибига эга бўлган илмий ҳамда таълим ташкилотларининг таниқли мутахассислари олиб бориши кўзда

тутилган. Ўқув марказида бир йил мобайнида қурилиш соҳасининг мингга яқин мутахассисини ўқитиш ва малакасини ошириш мўлжалланмоқда.

Ўқув марказида назарий тадқиқотлар учун қўлай синфхоналар ва иккита технологик устахона мавжуд. Уларда қурилиш майдонларида ишлайдиган мутахассислар замонавий энергия тежайдиган қурилиш материаллари ва тизимлар билан ишлашни ўрганадилар. Дарслар икки сменада олиб борилиши режалаштирилмоқда. Назарий маълумотларни ўзлаштирган ўқувчи бир пайтнинг ўзида устахонага тушиб, амалий машғулотларни бажариш имконига эга. Устахоналар керакли қурилиш материаллари ва асбоблар билан тўлиқ таъминланган. Унда замонавий қурилиш тенденцияларини ўрганиш учун

энергия тежайдиган каркас уйнинг тўлиқ ўлчамдаги модели ҳам мавжуд. Шунингдек, бу ерда ўқувчилар битум ва битум полимер материаллардан фойдаланиш, полимер мембраналар ёрдамида текис томлар ёпиш, ямалган томлар, фасадлар, пойдеворларнинг сув ўтказмаслиги ва саёз пойдеворлар каби қурилиш йўналишларида инновацияларни қўллаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиб, яқинда махсус сертификатни қўлга киритадилар.

Шу пайтга қадар компания дунёнинг 19 та мамлакатда ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйган. Юртимизда унинг 20-ўқув маркази иш бошлади. Компания ўқув марказларида 70 та муаллифлик дастурлари яратилган. Ҳар йили 12 000 нафар киши ўқув марказларида таълим олади. 23 000 нафари эса масофавий дарслар орқали таълим олмақда.

– Ушбу ўқув маркази коллеж талабалари, лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари мутахассислари учун семинар, амалий машғулотлар ўтказиш учун қўлай майдонга айланиши кўзда тутилмоқда, – деди Қурилиш коллежи директори Байдулла Ғаниев. – Айни пайтда қисқа муддатли ўқув курси учун ўқув режа ва дастур ишлаб чиқилляпти. Бунинг учун махсус ишчи гуруҳлар тuzилган. Шунингдек, йўналишлар бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари, уларнинг электрон вариантлари билан таъминлаш ишлари ҳам эътиборда. Марказда асосан ўзбек ўқувчилари ўқишини назарда тутиб, ўқув-адабиётларини тегишли мuddатда таржима қилиш ҳам белгиланган. Айни пайтда курсларни ташкил қилиш учун реклама роликлари ва буклетларини тайёрлаш, қурилиш соҳасидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда мутахассисларни марказга жалб қилиш ишлари давом этмоқда.

ИЛҚ РЕКТОР МЕЪМОР ЭДИ

Дилшода СУЛТОНОВА,
СамДАҚИ доценти,
архитектура фанлари доктори.

Самарқанд вилоятида 10 га яқин олийгоҳлар орасида СамДАҚИ нисбатан ёшроқ ҳисобланади, унга эндигина 55 йил тўлди. Шу даврда 7 нафар ректор институтни бошқарди. Улар орасидан фақатгина биринчи ректор меъморчилик йўналиши ихтисослигига мансуб бўлган.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1966 йилдаги буйруғига кўра, республикаимиз архитектура-қурилиш ташкилотларида ишлаб, катта тажрибига эга бўлган, ТашПининг собиқ Архитектура факультети декани, архитектура фанлари номзоди, доцент Раҳмон Абдурасулов СамДАҚИнинг биринчи ректори этиб тайинланганди.

У киши мазкур олийгоҳни 1975 йилга қадар бошқариб келди. Уша даврларда СамДАҚИ талабаси бўлиш иштиёқиди ёшлар собиқ иттифоқининг ҳар томонидан келишарди. Айниқса институт этиб билан тенг бўлган Расм, рангтавир ва ҳайкалтарошлик кафедраси томонидан ташкил этилган Эзи акварель амалиёти дастури бўйича меъмор-талабалар Европа ва иттифоқ республикаларига чиқиб келишарди. 1990 йилда Ленинград шаҳрида 20 кунлик акварель амалиёти энг охириги марта ўтди. Бу бизнинг мазкур олийгоҳдаги иккинчи курслик давримизга тўри келганди.

1987 йилдан СамДАҚИ архитектура йўналишида тахсил олаётган фаол талабаларни рағбатлантириш мақсадида, биринчи ректоримиз хотирасига бағишлаб, профессор Р. Абдурасулов номидида стипендия жорий қилинди. Мен ҳам 1990-1994 йилларда устоз номидида стипендияга бўлганман.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларига келиб нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё республикалари қурилиш индустриясига қарашли ташкилот ва корхоналарда юқори малакали мутахассисларга, яъни, архитектура ва қурилиш соҳасида чуқур билимга эга бўлган кадрларга эҳтиёж зоғига келди. Шу боис Ўзбекистонда алоҳида архитектура-қурилиш институти ташкил этишга асос солинди. 1965-1966 йилларда Тошкент политехника институтида янгидан ташкил қилинган Архитектура, сонао ва граждан қурилиши ҳамда Қишлоқ хўжалиги қурилиши факультетларини бирлаштириб, мустақил қурилиш институти ташкил қилиш бўйича режалар тузилаётган эди. Бу борада олиб борилаётган ишларни 1966 йилда Тошкентда содир бўлган зилзила ва ундан қўрилган талафотлар тезлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1966 йил 15 июлда чиққан буйруғи асосида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (СамДАҚИ) ташкил этилди. СамДАҚИнинг Самарқанд шаҳрида очилишига биринчидан, Тошкентдаги зилзила сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, Самарқанднинг 2750 йиллик тарихга эга экани Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири экани, маданияти юқори даражада ривожлангани, ноёб архитектура ёдгорликларига бой бўлгани, учинчидан эса Самарқанд қадимдан илм, фан ва маданият маркази экани асос бўлди ҳамда унга Мирзо Улугбек номи берилди.

Ҳукумат қарори асосида Самарқанд шаҳридаги 19-интернат қарашли барча бинолар тўлиқ СамДАҚИга берилди. Бундан ташқари, ўқув-лаборатория биноларини қуриш бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш ва уларни молиялаш вазифалари ҳам белгилаб

берилди. Ректор Р. Абдурасулов Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг биринчи ректори сифатида институти ташкил этиш, биринчи маротаба талабалар қабул қилишни амалга ошириш, ихтисосликлар бўйича мутахассис кадрлар, профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ўқув корпуслари, аудиториялар, ўқув кабинетлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмалар қуроллар, техник воситалар билан жиҳозлаш каби осир ва мураккаб вазифани қисқа вақт ичиди ҳал қилишга муваффақ бўлди.

1966 йилда Самарқанд шаҳрида нафақат турдош, балки бирорта ҳам техника институти йўқ эди. Бу СамДАҚИни илмий педагогик кадрлар билан таъминлашда катта қийинчилик туғдирди. Ўқув жараёни ва унинг сифатини талаб даражасида ташкиллаштириш мақсадида Р. Абдурасулов кўплаб республикалардан юқори малакали кадрларни тақлиф қилди, уларни иш ва уй-жой билан таъминлашга ариштирди.

СамДАҚИ жамоаси институтининг оёққа туришида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган ТашПИ, МАРХИ, МИСИ, КИСИ, ЛИСИ, НИСИ, ДИСИ ва бошқа турдош институтлардан келган профессор, доцентларни ҳурмат билан тилга олади ва эслайди. Институт битирувчилари турли йилларда Ўрта Осиё ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қўрилиши, шаҳарсозлик муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этган.

Институт билан Самарқанд вилояти ҳокимияти, архитектура ва шаҳарсозлик бошқармалари ўртасида барча масалаларда мустақам алоқалар ўрнатилган. Профессор-ўқитувчиларимиз шаҳарсозлик бўйича илмий асосланган қарорларни қабул қилиш, Самарқанд шаҳрининг қурилиш режасини ишлаб чиқиш ва унинг тарихий марказини реконструкциялашда марказий ва ҳудудий органларга фаол ёрдам бериб келяпти.

Самарқанднинг беқиёс шаҳарсозлик ва меъморий муҳитини сақлаб қолиш, бу борадаги аъёнларни давом эттириш ва ривожлантириш, замонавий архитектура мактабини яратиш, илмий методлар, таълим технологияларини қўлланган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш орқали архитектура, қурилиш, коммунал хизмат, шаҳар хўжалиги соҳасида инновацион ривожланишни таъминлаш ҳозирги кунда СамДАҚИ илмий-педагогик ходимлар, талабалар олдига турган муҳим масалалардир.

Бугун СамДАҚИ мамлакатимиздаги етакчи илм-фан маркази, минтақадаги қурилиш ва архитектура соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ягона техника йўналишидаги олий ўқув юртидир. Талабаларимиз нафақат архитектура, дизайн ва қурилиш, балки бошқа мураккаб масалалар ечими бўйича ҳам етарли билим, малака ва кўникмаларга эгаликларни босиб, уларга мамлакатимизнинг турли жойларида доим кучли эҳтиёж сезилиб туради.

“ХУНАРНИ АСРАБОН НЕТКУМДИР ОХИР...”

Уй эгаси янги қуриляётган иморатдаги ишлар қандай кетаётганини билиш мақсадида усталарни кузата бошлади. Улардан бири, гарчи, ёшгина бўлса-да, ўз ишини муҳирли билан бажараётгани дарров эътиборини тортиди. Хоналарнинг ички пардозни нозик иш бўлиб, у кишидан юксак дид ва тартиб-интизомни талаб қилади.

Украинада бўлиб ўтган касб маҳорати танловларида фахрли ўринларни қўлга киритган. Ўқиш давомида касб сирларини кўнгил билан ўргангани, бунинг устига қизиқиши сабаб ёш бўлишига қарамай, ўз ишининг устаси сифатида танилди. Қилган ишга маҳлиё бўлиб, сифатидан кўнгил тўлган кишилар фарзанди ёки набираси у таълим олган коллежда ўқишни истамоқда.

Марғилон қурилиш коллежи 1963 йилда ўз фаолиятини техникум сифатида бошлаган. Ярим асрлик фаолияти давоми-

жада ўқув хоналари ва ўқув амалиёт устахоналари Германия давлатининг “КНАУФ” фирмаси маҳсулотлари, умумқурилиш ишлари устахонаси эса Жанубий Корея жиҳозлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси Япония давлатининг замонавий жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Бундай шароит ўз навбатида қурилиш соҳасига малакали кадрларни тайёрлашда сифат даражасини оширишга олиб келди. Яратилган имкониётлардан самарали фойдаланган коллеж ёшларни вилоят, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган танловларда фаол қатнашиб, кўвонарли натижаларга эришмоқда. Хусусан, коллеж ишлаб чиқариш таълими усталари қатор ишларни “Моҳир уста” ва “Устоз-шоғирда” номли кўрик-танловларнинг республика босқичида фахрли ўринларини қўлга киритган. Ўқувчилар ҳам устозларидан қолишмайди. “Қуруқ усудда қурилиш” номли Республика касб-маҳорати танловида коллеж ўқувчилари эришиб келаётган ютуқлар бунинг исботидир.

– Хунарли киши хор бўлмас, деган нақл бор халқимизда, – дейди коллеж директори М. Исмаилов. – Яқинда коллеж қошида 300 ўринли ётоқхона барпо этилиб, касб-хунар ўргатувчи янги марказ ҳам очилди. Апрель ойидан бошлаб янги марказда 300 нафар иш билан банд бўлмаган аҳолини 14 та касб бўйича ўқитиш ишларини бошлаб юбордик. Коллежimizга Қурилиш вазирлиги томонидан КАМАЗ автосамосвали берилди. Бу ҳам ўз навбатида уларнинг назарий ва амалий билимларини мукаммал ўзлаштиришига шароит яратди. Қурилиш материаллари, керакли асбоб-ускуналар ва махсус жиҳозланган хоналарда уч ой давомида касб-хунар ўрганган ёшлар келажақда юртимиз қурилиш соҳасига ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз. Янги ўқув йилдан коллежimiz Марғилон Архитектура ва қурилиш техникуми сифатида иш бошлайди.

да таълим маскани республикамиз қурилиш соҳасининг барча бўғинлари учун 42 мингдан зиёд малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаб берди. Бугунги кунда бу мутахассислар Ватанимиз равнақи учун ҳорамий-толмай меҳнат қилмоқда.

Марғилон қурилиш коллежиди умумқурилиш ишлари устаси, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, пардозлаш ишлари устаси, бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича техник-архитектор, тураржой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ҳамда кўчмас мулкнинг руйхатга олиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, кран машинисти (Кранчи), қурилиш электр тармоқлар монтажчиси каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллеж маъмурияти ўтган йиллар давомида моддий-техник базасини ривожлантириш устида тинмай изланди. Нати-



– Ўғлим, қўлинг гул экан-ку. Бу хунарни кимдан ўргандинг, қаерда ўқигансан?

– Марғилон қурилиш коллежини битирганман, амаки, – деди қўлидаги махсус асбоб билан деворга ишлов бераётган Қобулжон. – Уч йил давомида устозлардан бир қанча касб сирларини ўргандим. Менга кўпроқ пардозлаш иши ёқди. Ҳозир ўзим мустақил ишлаяпман.

– Барака топ, ўғлим. Устозларингга ҳам раҳмат. Мени неварамни ҳам шоғирдикка олмайсанми? Бекор юргандан кўра, сенга ўхшаб хунар ўргансин дейман. Худо хоҳласа, хужжатларини сен ўқиган коллежга топшираман.

Қобулжон Султонбеков Марғилон қурилиш коллежининг қурилиш-пардозлаш устаси йўналишини 2018 йилда битирган. Билимли ва қизиқувчан Қобулжон устозлари кўмагида республика миқёсида, ҳатто

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Июнь ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини нишонлаётганмиз

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бўлими бошлиғи **Шараф Ражабов**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси **Камил Закидов**, “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК бош бухгалтер ўринбосари **Бобур Худжакулов**,

Андижон вилояти Бўстон тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Баходиржон Раҳмонов**,

Бухоро вилояти Когон тумани қурилиш бўлими бош архитектори **Лазизбек Бакоев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Нуриддин Ачилов**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Бахтияр Хасанов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Ортиқ Яратов**,

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Туман ва шаҳар архитектура ҳамда қурилиш бўлиmlари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Оттабек Бобоев**, Юқоричирчиқ тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Достон Мухомбобов**, “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Адиля Хазиева**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлар устидан назорат бўлими бош инспектори **Собиржон Абдулхасанов**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси АКТ бўйича мутахассиси **Жамол Каримов**, Тупроққалъа тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Жамшидбек Аббазов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фойз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!